

## Педагогик маҳорат

### *Аннотация*

Республикамизда қабул қилинган «Таълим тугрисидаги қонун», «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим соҳаси кишилари олдига улкан вазифаларни қўйди. Таълимнинг самарадорлигини ошириш, уқитишнинг замонавий илғор шаклларини ишлаб чиқиш, уқув дастур ва дарсликларини янгилаш, маъруза матнларини яратиш каби шулар жумласидандир. Бундай вазифалар бевосита бошланғич таълим мутахассисларига ҳам дахлдор. Маърузалар матнда мактаб амалиётида ва педагогик фикр тарихида уқитувчининг маҳорати масалалари. Педагогик қобилият. Уқитувчининг коммуникатив қобилияти. Мулоқот маданияти ва уқувчининг психологик фаолияти. Педагогик техника ва уни шакллантириш усуллари. Дарсда ва тарбия жараёнида уқитувчи маҳорати. Уқитувчи меҳнатини ташкил этишнинг илмий асослари. Педагогик тажриба орттириш тизими, тадқиқот методлари, ҳозирги таълим муассасаларида татбиқ этиш йуллари. Педагогик маҳорат тараккиёт тарихи. Мустақил малака ошириш ва уз-узини назорат қилиш. Уқув –тарбия жараёнида педагогик мулоқот маҳорати, педагогик тажриба ва уни татбиқ этиш, маданияти асослари ёритиб берилган.

### *Мундарижа:*

1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча, унинг уқитувчи фаолиятидаги урни ва аҳамияти.
2. Педагогик фикр ва мактаб амалиётида уқитувчи маҳорати тушунчалар.
3. Педагогик техника ва уқитувчининг маҳорати.
4. Уқитувчи фаолиятидаги педагогик қобилиятлар.
5. Уқитувчининг коммуникатив қобилияти.
6. Уқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти психологияси.
7. Уз-узини тарбиялаш жараёни ва фаолият сифатида.
8. Уқитувчи ва уқувчи уртасидаги мулоқот.
9. Уқитувчининг таълим-тарбия жараёнидаги маҳорати.
10. Уқитувчи тарбиячи сифатидаги маҳорати.
11. Уқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиши.
12. Шахсий педагогик тажрибани туплаш тизими.

***Мавзу:* Педагогик муомала ва ўқитувчи маҳорати.**

***Мақсад:*** Педагогик муомала ва педагог янги ўқитувчи маҳорати ҳақида тушунчаларга эга бўлиш. Талабаларда мавзуга оид билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш.

### ***Ўқитувчи мақсади:***

Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларни етказиш.

### ***Ўқувчи мақсади ва вазифалари:***

Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, малака кўникмалар.

### ***Ташкилий мақсад:***

Педагогик маҳорат ва ўқитувчи маҳорати моҳиятини англаб етиш.

### ***Тарбиявий мақсад:***

Талабаларда мавзу билан ишлаш жараёнида тиришқоқлик билан бошлаган ишни охирига етказиш, керакли хислатларни шакллантириш ва ижодиётни ривожлантириш.

### ***Амалий тушунчалар:***

Амалий билим, малака ва кўникмалар.

### ***Машгулот жиҳозлари:***

Дарслик, мавзуга оид таблица ва тестлар.

### ***Мавзунинг таянч тушунчалари:***

Педагогик муомала жараёни ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Педагогик муомалада ўқитувчи шахси ва аудитория мулоқотида техник воситалар ва фаол методларнинг роли янги педагогик технологияга кўра ўқитувчи муомаласининг тезлиги, хилма-хиллиги ва мақсадлилиги.

#### ***1. Дарсинг бориши.***

- а) ташкилий қисм
- б) давомат
- в) турли масалалар.

#### ***II. Такрорлаш ва уйга вазифани текшириш (5 мин.)***

#### ***III. Янги мавзуга замин.***

##### ***Янги мавзунинг баёни.***

**М у о м а л а** – ахборот жараёнидир. Педагог бевосита шахсларга муомалада ўз тарбияланувчилари, умуман жамоа ҳақида, ундаги ички жараёнлар ҳақида ғоят хилма-хил ахборотга эга бўлади.

Педагог ҳам ўз навбатида муомала жараёнида ўз тарбияланувчиларига мақсадга қаратилган ахборотни маълум қилади.

Педагогнинг ўқувчилар билан муомаласи шунга олиб келадикки, ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳақиқий вазиятларни турли сабабларда пайқаб олади, бунинг учун намуна у ўзи тез-тез қайд қилган далиллардан ва ўқувчиларнинг хулқ-атвори усулларидадан фойдаланади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи тарбияни бошқариш сифатида, бирлаштирувчи ўрнини тўлдирувчи вазифани ҳам бажаради.

Муомала ўзаро муносабатлар доирасида содир бўлади.

Ўқувчилар билан муомала қилиш педагогнинг ўз тарбияланувчилари билан мулоқот олиб бориш маҳоратини тақозо этади.

Сўзлашишни, мулоқот олиб боришни доимо ўрганиб бориши лозим. У дарсни самарали олиб боришни, сўзлашишни билиши, лекция, суҳбат, ҳикоя қилиш каби усуллардан фойдаланиш, умуман бутун таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билан мулоқотни йўлга қўя билиш лозим.

«**Мулоқот**» юнонча сўз сўзлашув, суҳбатлашув, шахслараро суҳбат ва оғзаки нутқ шакли 2 ёки ундан ортиқ шахсларнинг сўзлашувидир.

Муомала ўқувчида муомала жараёнида жуда майда қисмларини ҳам англаб олишга қодир бўлиши керак. Булар сиртдан қараганда унчалик аҳамиятли бўлмаса-да, ўқувчи шахсида содир бўлаётган уни тушуниши учун жуда муҳим бўлган зарур ички жараёнлар кўринишининг аломатлари ҳам бўлиши мумкин.

Бунда педагог жуда катта рол ўйнайди. Айни хил ҳодисанинг турли кишилар томонидан талқини шахснинг ўтмишидаги тажрибасига боғлиқлиги билан изоҳланади.

Бу тажрибанинг уч жиҳатлари мавжуд.

1. **Умуман ҳаётий тажриба.**
2. **Педагогик фаолият тажриба.**
3. **Муайян жамоа билан муомалада бўлиш тажриба.**

Педагог ўқувчилар билан кундалик муомаласи шунга олиб келадикки, у ўқувчилар ҳатти-ҳаракатларидаги чуқур маъно ва натижалардаги ҳақиқий сабабни турли вазиятларда пайқаб олади.

**Мавзу:** Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳорати.

Режа:

1. **Тарбияланувчи маҳоратининг тизими одоб-ахлоқ, эстетика ва назокат меъёри.**
2. **Педагогик ташкилотчилик кўникмаси, бошқариш услублари.**
3. **Ўқувчилар жамоасида ижобий психологик муҳитни ҳосил қилиш усуллари.**

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. 1992 йил. 48-модда.
2. Н.Саъдуллаев «Гўзалликнинг сирли олами». Тошкент 1999 й.
3. Ю.Ш.Азларов. Тарбиялаш маҳорати. Тошкент, 1991 йил.
4. Ижодкор ўқитувчилар изидан. Тошкент. 1989 йил.
5. Ижодкор ўқитувчилардан сабоқ. Тошкент. 1989 йил. Ж.Г.Йўлчиев.

Педагог ўқитувчилар олдида ниҳоятда ҳатти-ҳаракатда бўлиш, нотўғри ҳаракатлардан сақланиш лозим, акс ҳолда ўқитувчининг ҳурмати кета бошлайди.

Педагог ахлоқ-одоб меъёри даражасидан чиқмаслиги, одоб-ахлоқ борасида ўз ўқувчиларига ўрнак ва намуна кўрсатмоғи лозим. Педагогик назокат меъёр туйғуси ўз ўқувчилари билан тўғри муносабатда амал қилишдир. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи соҳасидаги хулқ-атворини белгилаб беради. Ўқитувчининг педагогик одоби мазмуни ва уни намоён бўлиш шакллари белгилаб берадиган айрим ижтимоий йўл-йўриқларни кўриб чиқамиз.

*О д о б* –ҳар бир инсоннинг ўзи бир инсон ёки жамоа билан бўлган мулоқотида ҳамда юриш-туришида, ўзини тута билишдир.

*А х л о қ* -жамият қабул қилган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ-атвор мажмуидир. Оллоҳ таоло инсонни билим, ахлоқ ва фаолият бобида масъул қилиб яратган. Бу ҳақда +урўони Карим ва Ал-Асро сурасининг 36-оятида шундай дейилган.

«Эй инсон ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки кулоқ, кўз, дил буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур-масъуллик эса мустақиллик, эркинлик, фаоллик ва маънавий жавобгарликдир. Ўз фарзандингни яхши хулқ-одобли ва ақлли бўлишга ўргат.

Кимки ёшлиқдан яхши хулқ-одоб эгалламас экан, улғайганда ундан билим талаб қилма».

Ахлоқ қиёфаси ўзгариши мумкин эмас деб таъкидлаш касалларни даволаб бўлмайди ва тиббиёт фани ҳақиқий эмас деган гап билан баб-баравардир».

Жалолиддин Давоний.

Ҳаё ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳаё йўқолса ҳеч кимда виждон ҳам қолмайди. У ҳолда дунёда тартиб бузилади, кишилар бир-бирига бефарқ бўладилар.

Ҳусайн Воиз Кошифий «Ахлоқи Муҳсиний» асаридан яхши хулқ одоб белгилари ўн хил бўлади.

1. *Хайрли ишларда одамлар билан зиддиятга бормаслик.*
2. *Ҳис-туйғу ва эҳтиросларга берилмаслик.*
3. *Ўзгаларнинг камчилигини қидирмаслик.*
4. *Бировларнинг бахтсизлигига ҳамдард бўлиб, уни тўғри тушуниш.*
5. *Агар айбдор ўз айбига иқроп бўлса, уни авф этиш.*
6. *Муҳтожларга ёрдам бериш.*
7. *Кишилар тўғрисида гамхўрлик қилиш.*
8. *Ўз нуқсонларини кўра билиш.*
9. *Хулқ-одобли бўлиш.*
10. *Ҳушмуомалалик.*

Энг яхши тарбия шулким, болани безори ва бадхулқ кишилар билан алоқа қилмаслигини кузатиб туриш керак. Бола ақлли, зеҳнли кишилар билан иш тутишлари лозим. Унинг олдида доимо доно, билимдон, фозил кишиларни мақташ зарур. Ёмон қилиқ хатти-ҳаракатларни қоралаш даркор, токи болада уларга нисбатан нафрат уйғонсин.

«Анвар Сухайл» асаридан.

Юқорида айтиб ўтилган ахлоқ-одоб йўналишлари асосида тарбиячи-ўқитувчи, ўқувчилар билан ахлоқий суҳбатлар, одоб нормалари юзакдан савол-жавоблар, тарбиявий соатлар, тарбиявий тадбирлар ўтказиш маҳоратига эга бўлишлари, болаларни тўғрилиққа, сахийлиққа, одоблиққа, ёмон фазилатларини йўқотишга, ўзида бор нуқсонларни бартараф этишга ундашлари, уларни хайрли ишларга ундашлари жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Кичик ёшдаги ўқувчилар коллективларида талабчан ва қувноқ тарбиячи бўла оладилар. Болаларнинг фаол ижодкорлик билан тўла ҳаётни ташкил этиб, улар орасида ўзаро хайрихоҳлик, ғамхўрлик вазиятини, завқли вазиятни вужудга келтира оладиган тарбиячилар катта обрў-эътибор қозонадилар.

Ўқитувчи балки бу жараёнда ўқувчи талабига таъсир кўрсатади. Бу эса уларнинг билим олишларини янада фаоллаштиради, натижада ўқувчи таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади, бу эса уларнинг билим олишларини янада фаоллаштиради; натижада ўқувчи таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Таълимдаги нутқлар аввало ўқитувчига боғлиқ, у мутахассис сифатида ўз фанини билиши, педагогик мулоқот устаси бўлиши психологик-педагогик ва услубий малакаларни эгаллаган бўлиши, ҳар хил педагогик вазиятларни зудлик билан ўрганиш ва баҳолаш, педагогик таъсир кўрсатишнинг мақбул усул ва воситаларини танлаб олиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроқлантиришдан иборат, ўқувчиларнинг билим фаолиятини шакллантириш уларнинг дунёқараши, фикр ва эътиқодларини шакллантириш ва уларнинг қобилиятларини ўстиришдан иборатдир. Ўқитувчи аниқ мақсадни кўзлаб режа ва дастур асосида ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради, ўқувчи эса уни фаол ўзлаштириб олиши зарур, билиш мураккаб қийин зиддиятли жараёндир. Бу жараён инсон психикасига тегишли сезги, идрок, тасаввур, тафаккур каби жараёнларнинг фаол иштирокида олинади, бу жараёнда ўқитувчи муҳим роль ўйнайди. Таълим бериш жараёнида ижодий мантиқий тафаккур ҳам тарбияланади. Ўқувчиларни билимларни ўзлаштириш ўзларида билиш қобилиятларини фикрлаш операцияларини ва ҳаракатларини ҳосил қила олиши, ижодий фаолиятида, меҳнат жараёнида вужудга келади. Ўқитувчи

ва ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини тўғри йўлга солиш учун амалиёт ҳар қандай билишнинг негизи ҳисобланади. Ўқитувчи ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатади бу эса амалий машғулот ўтказиш орқали, тафаккур жараёнида воқеликни таҳлил қилиш, таққослаш, билимларни ўзлари учун тушунарли соҳаларидаги сабаб хулосалар чиқаришни ўрганадилар. Ўқитувчи билим бериш билан чекланмайди. У ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятига ҳам раҳбарлик қилади, уларнинг фаолиятидаги мустақиллик, ижодкорлик, қобилиятларини ўстиради ва ўрганилаётган нарсаларни онгли равишда ўзлаштириб олишларига эришади.

Материалларни идрок қилиш ва тушуниб олишлари билан бирга пухта эслаб қолишлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилишлари зарур. Ўқитувчи ўқувчиларни билиш фаолиятларини ташкил қилиш мақсадида уч вазифани, яъни билим бериш орқали уч мақсадни ҳал қилишни унутмаслиги яъни бу мақсад ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини бирлаштиради.

1. *Таълимий мақсад* – ўқув материалларининг мазмунини билиш, фанга тегишли илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш.

2. *Тарбиявий мақсад* – фан асосларини ўзлаштириш орқали унинг мазмунида ётган ғоялар, дунёқарашлар таъсирида ўзининг шахсий сифатларини, имон-эътиқодини шакллантириш. Таълим жараёни таъсирида ўқувчиларни ақлий камолотини, билиш қобилиятини, ўқишга, меҳнатга нисбатан муносабатини ривожлантиришдан иборат. Бу мақсадларни амалга ошириш натижасида ўқувчиларда ўқишга ва меҳнатга бўлган муносабатларни ривожлантиришдан иборат. Бу мақсадларни амалга ошириш натижасида ўқувчиларни мустақил ишлаш истъдоди пайдо бўлади. Уларни ўйлашга ўргатади, таълим жараёнида тафаккур ҳукмронлик қилди. Ўқитувчи ўз касбига лаёқатли бўлиши лозим. Лаёқатлилик педагогик меҳнатнинг муваффақиятли бажарилишига қодир бўлишдир. Аввало ўқитувчи ўз ўқувчиларини билимли ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиш ва ҳисобга олиш зарур. Ўқитувчи кенг кўламдаги дидактик билимга эга бўлиши, педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида таълим жараёнини ташкил қилади ва бошқаради.

*«Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўз танлаган йўлининг тўғрилигига ишонган шахс келажакка ишонч билан қарайди, у жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларга ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ният таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир» .*

И.А.Каримов.

## *Мавзу. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот.*

Режа:

- 1. Дарсда ва дарсдан ташқари вақтда ўқитувчининг мулоқоти.*
- 2. Ўқитувчининг ўқувчи билан бўлган мулоқотида ишонтириш ва таъсир этиш усулларида фойдаланиш.*
- 3. Ўқитувчининг бошқариш усуллари.*
- 4. Илмий-педагогик адабиётларда берилган мулоқот турлари.*

### *Хулоса.*

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Н.И.Ильин. Муомала санъати. Пед.изланиш. И.П. Бажанова. Т. Ўқитувчи 1990 йил.
2. Ижодкор ўқитувчилар изидан. Т. 1989 й.
3. Аждодлар ўғити. Хикматлар, ҳикоялар. Тошкент. Чўлпон нашриёти. 1991 й.
4. Кайковус. +обуснома. Тошкент. Ўқитувчи нашриёти. 1973 й.
5. Муомала тренинги. Тошкент 1994 й.

Ўқитувчи ҳар томонлама болаларга намуна бўлиши керак. У аввало хулқида ширин сўз хуллас ўз касбининг моҳир устаси бўлиши зарур. Ўқитувчи қанчалик болаларга ғамхўр ва илиқлик билан муносабатда бўлса, болаларда ҳам ўқитвчига нисбатан ҳурмат меҳрибонлик ғамхўрлик ҳислари пайдо бўлади. Ўқитувчи нафақат болаларга бўлган муносабати ва ўзини тутиши билан ўрناق бўлмоғи балки, у ўзининг ташқи кўриниши, маданияти билан намуна бўлиши керак. У ҳар доим озода, эстетик дид билан кийиниши лозим. Болалар эътиборини ортиқча нарсаларга жалб этмаслиги керакки, унинг юриш-туришидан, маданияти, дид билан нафис кийинишидан ўқитувчи эканлиги билиниб турсин.

Бу эса ўқувчининг ўқитувчисига муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи учун ҳаддан ташқари кўп бўяниш, тақинчоқлар тақиш ҳам ташқи кўринишдаги камчиликлардир. Ўқитувчи ўзига ўта талабчан бўлиши, ўз хатти-ҳаракатини назорат қила олиши керак.

Ўқувчиларга муомала қилиш педагогларнинг ўз тарбияланувчилари билан мулоқот олиб бориш маҳоратини тақоза этади. Биз учун эса сўзлашишни билиши лозим. Сўзлашишни мулоқот олиб боришни доимо ўрганиб бориш лозим. У дарсни самарали олиб боришни, сўзлашишни билиши, суҳбат, маъруза, ҳикоя қилиш каби усуллардан фойдаланиши, умуман бутун таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билан мулоқотни йўлга қўя олиши лозим.

Мулоқот юнонча сўз сўзлашув, суҳбатлашув, шахслараро суҳбат ва фикр олишув, оғзаки нутқ шакли икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг сўзлашувидир. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотнинг бўлиши учун, ўқитувчида етарли даражада қобилиятга эга бўлиши лозим ва ўз-ўзига қуйидаги саволларни бериши ва унга жавоб беришга ҳаракат қилиши керак.

Нимага ўргатиш, кимни ўргатиш, қандай ўргатиш?

**Нимага ўргатиш:**

- а) илм-фандаги янгиликларни англаш, янги фан терминларини тушуниш, ўқув предметини тўлиқ ўзлаштириш.*
- б) малака, кўникма ва қобилиятни шакллантириш.*
- в) ўқув предметлари ўртасидаги боғлиқликларни амалга ошириш.*
- г) ўқув мазмунини тушунарли тизим асосида олиб бориш.*

**Кимни ўргатиш:**

- а) ўқувчиларнинг баъзи психик хусусиятларини (эслаб қолиш, нутқи, фикрлаш) ҳамда уларни қай даражада, ўқимишли, тарбияли эканлигини аниқлаш.*
- б) ўқувчиларни бир даражадан иккинчи даражага ўтишида қийинчиликларини олдиндан аниқлаш:*
- в) ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишида болаларнинг далиллари, фикрларини ҳисобга олиш:*
- г) ўқувчилардаги турли психик ўзгаришлар ва ривожланишни ҳисобга олиб ўз педагогик меҳнатини ташкил этиш:*
- д) иқтидорли ўқувчилар билан ҳам ишлаш яқка ҳолдаги ишни ташкил этиш.*

**Қандай ўргатиш:**

- а) иш жараёнида ишлатиладиган куч ва кетадиган вақтни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва тарбиялашнинг турли усуллари мажмуини ишлатиш.*



Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари, бу талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчиликда услуб бўлиб таълим-тарбия жараёнида педагогнинг тарбияланувчига шахсий муносабатнинг намоён бўлиши йўли билан ёки бу ҳатти-ҳаракатларни рағбатлантириш ёки тўхатилишини таъминлайди.

Истиқбол таъсир кўрсатишнинг жуда таъсирчан усули бўлиб, у болаларнинг ҳатти-ҳаракатларини рағбатлантиришлари, улар олдига қўйилган мақсадлар, уларнинг шахсий интилишлари кизиқишларига айланади.

Рағбатлантириш ва жазолаш-ўқувчиларнинг хулқ-атвориغا тузатиш киритишни яъни фойдали ҳатти-ҳаракатларни қўшимча рағбатлантиришни ва тарбияланувчиларнинг номаъқул ҳатти-ҳаракатларини тўхтатишни таъминлайди. Талаб педагогик таъсир кўрсатишнинг бошланғич усули бўлиб, тарбияланувчиларда ўзига нисбатан масъулият ва талабчанликни ривожлантиришда алоҳида вазифани бажаради. Ўзаро фикр алмашиш билан таъсир кўрсатиш воситаларини ишонтириш, таъсир қилиш, ўзаро фикр алмашиш билан таъсир қилиш.

Ишонтириш педагогик таъсир кўрсатиш усули сифатида дарсларда ўқув ахбороти ижодий суҳбатлар, мунозаралар шаклида қўлланилади. Тарбиявий мунозаралар гуруҳий ва яқка суҳбатлар, мунозаралар сиёсий ахборотлар шаклида қўлланилади. Таъсир қилдириш киши психикасига назоратсиз кириб, унинг фаолиятида ҳатти-ҳаракатлар, сабаблар, интилишлар билан амалга оширилади. Таъсир қилиш шундай бир психик таъсир кўрсатишки, киши уни онгининг етарли назоратсиз идрок этиш.

*а) педагогик вазиятларни таққослаш ва умумлаштириш усуллари қўйиш.*

*б) ўқувчиларни яқка индивидуал ҳолда муносабатда бўлиш, уларнинг мустақил ишларини ташкил этиш.*

Ўқитувчи ўқувчилар билан бўладиган мулоқотида қуйидаги малакаларни эгаллаган бўлиши лозим: ташқи киёфани назорат қилиш, нутқни эгаллаш, педагогик муносабат маданиятини эгаллаш, ташкилотчилик маҳоратини, ўқув-тарбия жараёнини бошқариш услубларини эгаллаш.

*1) Авторитар услуб.*

*2) Демократик услуб.*

*3) Либерал услуб.*

### **1. Авторитар услуб.**

Ўзи яқка ҳолда гуруҳ фаолиятининг йўналишини белгилайди.

Ўзи кўрсатма буйруқ беради.

Жавобгарликни ўз бўйнига олади.

Сўзсиз бўйсинишни даво этади.

+аттиқ интизомни талаб этади.

Айтилган нарсанинг тўлиқ бажарилишини талаб этади.

Гап қайтаргани, гап ўргатгани ёқтирмайди.

Айтган ташаккури ҳам буйруқдек чиқади.

Сўзлари қаттиқ ва қўпол. Бирон-бир масалани тушунтирмайдилар, лекин талаб этади. Мулоқотга киришишнинг асосий шакллари: буйруқ, кўрсатма бериш. қўлланма билан ишлаш. Ҳайфсан эълон қилиш.

Муомалада қўпол. Дағал. Дўқ-пўписали, мажбур этиш, кўрқитиш, чўчитиш орқали киришади.

Авторитар услубнинг ижобий томони фавқулодда вазиятлар ишлатилиши (ёнғинда, сув тошқинида) муносабатнинг бу услубда бажарилиши атрофдагилар учун қийин ва оғир аҳвол.

## **2. Демократик услуб.**

Коллектив фикрига таяниб иш олиб бориш. Коллектив фикрини ташаббусини мақуллайди, ривожлантиради, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарайди. Бошқалар фикрини ўзиники қилиб олади. Мулоқотга киришишнинг асосий шакллари, илтимос, маслаҳат бериш, самимий муомала.

## **3. Либерал услуб.**

Ташаббуссиз жамоа ишга аралашмайди. Ҳамма масалаларга юзаки қараб чиқади. Ўзининг фикри йўқ. Жавобгарликдан ўзини четга олади. Иш натижаси билан қизиқмайди. Болаларга эътиборсиз беғам қарайди. Ўз ишига совуққон бўлиб қарайди.

Илмий педагогик адабиётларда қуйидаги муносабат турлари кўрсатилган.

*Ҳамкорликдаги муносабат.*

*Дўстона муносабат.*

*Оралиқдаги муносабат.*

*+ўрқув орқали муносабат.*

*Устин орқали муносабат*

*Носамимий муносабат.*

*Бекорчи муносабат.*

*Диолог ва монолог.*

## *Т а я н ч т у ш у н ч а л а р:*

Мулоқот, ўқитувчининг мулоқоти, мулоқотни таъсир этиш ва ишонтириш усуллари ва таъриф этиш усуллари.

*Тегишириш ва ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар.*

1. Дарс ва дарсдан ташқарида ўқитувчининг мулоқотини сўзланг.
2. Ўқитувчининг бошқариш услубларини санаб беринг.
3. Муносабат турлари.

***Мавзу: Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти.***

Режа:

1. *Ўқитувчи шахсининг фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари.*
2. *Педагогик қобилиятлар структурасига кирадиган ёрдамчи хислат ва хусусиятлар.*
3. *Дилкашлик ва одамларга аралашмасликнинг шахсий хусусиятлари.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тарбиявий иш методикаси. Л.И. Рувинский таҳрири остида. Тошкент-1991 й.
2. Педагогик маҳорат. Умумий педагогика кафедраси. Тошкент. 2001 йил. П.ф.н. Г.Султонова.
3. Педагогик маҳорат ва пед.технология. Умумий педагогика кафедраси. Н.Назирова. проф. Тошкент. 2004 й.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан унда педагогик қобилиятнинг мавжудлигига боғлиқ. Психологияда педагогик қобилиятлар дегани инсоннинг муайян психологик хусусиятларини тушуниш қабул қилинган. Бу хусусиятлар унинг ўқитувчи вазифасида болаларни ўқитиш ва таълим тарбия беришда юксак натижаларни қўлга киритишнинг шарти ҳисобланади. Маълумки шахсининг қобилиятларини ҳосил қилувчи хислатлар ва хусусиятлар (улардан энг муҳими кузатувчанликдир) етакчи роль ўйнайди, бошқалари ёрдамчи роль ўйнайди.

Ўқитувчига ўқувчининг психологиясини унинг психик ҳолатини ўхшаш тарзда идрок этиш муайян ҳолда умуман синф жамоасининг аҳволига тўғри баҳо бериш имконини беради. Ўқитувчи шахсининг ўзаро фикри фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари таркибий қисмлари сифатида «эмпания» яъни ўқувчиларнинг ҳолатини тушунишга ва уларга ачинишга тайёргарликни ҳисоблаш мумкин. Бунинг зарур шарти болаларга бўлган муҳаббатдир. Ниҳоят ўқитувчи шахсининг ўзаро фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари таркибий қисм деб ижтимоий ўзаро ҳаракатда бўлган юксак ривожланган эҳтиёжни ҳисоблаш мумкин. У билимларни бошқариб боришга, болалар билан муомалада жамоани ташкил этиш истагида намоён бўлади.

Ўқитувчида ижтимоий ўзаро ҳаракатда бўлган, унда мавжуд бўлган педагогик назокат майдонга чиқади. Энди педагогик қобилиятлар структурасига кирадиган ёрдамчи хислатлар ва хусусиятлардан айримларини кўриб чиқамиз. Бу аввало ақл-идрокнинг муайян хислатлари, танқид кўзи билан қараш, собит кадамлик ва бошқа бир қатор хислатлардир. Ўқитувчининг нутқи

нотиклик қобилиятининг мавжудлиги сўз бойишига ва ҳаказолар муҳимдир.

Табиатида артистлик хусусиятига эга бўлиш (хаёл фантазия ишлата билиш) ҳам ўқувчилар билан муомалада муваффақиятга эришишда муайян роль ўйнайди.

Тажриба ва махсус тадқиқотлар бунинг батамом ҳақиқий нарса эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, шарқ перцептив хусусиятларининг энг муҳим хусусиятлари бўлган кузатувчанлик ўқувчининг педагогик тажриба ҳосил қилиш жараёнида ҳам, унинг махсус куч ғайрати натижасида ҳам ривожланади, такомиллашади. Ўқитувчи ўзининг ижтимоий психологик кузатувчанлигини яъни ўқувчиларда турли характер хусусиятлари, майлларини пайқаб олиш қобилиятларигина эмас, шу билан бирга уларнинг пайдо бўлиш вазиятига мувофиқ баҳо бериш маҳоратини ривожлантиришга қодирдир. Ўқитувчи ўз ўқувчиларини улар муҳитидаги ўзаро муносабатларни ўзининг улар билан ўзаро муносабатларини ҳозирги дақиқада қандай бўлмасин, худди шундай идрок этиш маҳоратини доимо такомиллаштириб бориш зарур. Бу эса осонгина қўлга киритилмайди. Педагогнинг идрок этиши ҳар қандай кузатувчининг идрок этишга ўхшайди, чунки педагог ҳамиша ўқувчиларга нисбатан ташқи вазиятда туради, маълум даражада улардан улар фаолиятидан (унинг ташкилотчиси бўлса ҳам) узоқлашмаган бўлади. Шу сабабли педагог ўзи кураётган нарсаларга ўзининг ижтимоий жараёнида ривожланишда идрок қилган норматив мулоҳазаларини онгли ва онгсиз равишда келиши мумкинки, педагог учун янги бўлган ҳодисалар унинг ўзида мавжуд бўлган нормалар ва тасаввурлар асосида анъанавий тарзда талқин этилиши мумкин. Бундан ташқари педагогнинг муайян масалага жавоб излашига интилиши, унда аҳамиятли бирор фактни ўтказиб юбормаслик учун қулай йўналиш ҳосил қилади. Агар ўқитувчи болаларнинг ҳатти-ҳаракатларини фақат тўғри идрок этиб, баҳо берса, уларни вужудга келтирган сабабларни чуқур кўра олсагина, шу билан бирга ўзида сабот, ўзини тута билиш, сабр-тоқат, сезгирлик каби феъл атвор хусусиятларини ривожлантира олсагина юқоридаги вазифаларга эришиш мумкин бўлади. Ўқитувчи ўз ўқувчиларини: уларнинг феъл-атворлари, тенгдошлари ва катталар билан муносабатларини турли баҳоларга ва муаммоларга ва ҳаказоларга муносабатларни доимо ўрганиб ва билиб боришга интилиш муҳимдир.

Ўқитувчи болаларни қанчалик билиб олса, унда болалар билан муносабатда хушмуомала бўлиш имкониятлари шу қадар кўпроқ бўлади. Лекин ўқитувчи ўз ўқувчилари билан яқинроқ бўлишга ҳаракат қилар экан. Баъзан тегишли дақиқаларда ўзи эшитмаслиги лозим бўлган нарсаларни эшитмасдан ўтиб кетиши лозим. Бунга сабаб эшитиш одобсизлик бўлиш мумкинли ёки вазият ноаниқ бўлиб турганда эшитиш дарҳол аниқлик киритиш

лозимлигини ёки зарурлигини тақозо қилишдир. Ўқувчилар билан ўз муомаласини бақриқ ва майда-чуйда нарсаларга аралашшига айлантириб юбормаслик кундалик ишларга ниманидир сезмай қолишни ўрганиш муҳимдир. Ниҳоят, баъзан бирон нарсани тушунмай қолиш ҳам фойдали бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг ўқувчилар билан бўладиган кичик тушунмовчиликларига ёрдам беради, унга ўқувчилар билан бўладиган келишмовчиликларга тегишли даражада одоб билан аралашувга ёрдам беради.

В.А.Сухомлинский таъкидлаб ўтганидек «педагог болаларни айниқса катта ёшдаги ўқувчилар ўртасидаги зиддиятларга жуда эҳтиёткорлик билан аралашуви лозим. У шунингдек зиддиятларнинг» шундай соҳаси борки, унда педагог аралашуви ниҳоятда чекланган бўлиш, ҳамма келишмовчиликлар ва зиддиятлар ҳам жамоада муҳокама қилиш объекти бўлмаслиги мумкин ва лозим деб ҳисоблаган эди».

## Мавзу: Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият.

Режа:

1. *+қобилиятнинг психологик-педагогик характеристикаси.*
2. *Педагогик қобилиятнинг асосий турлари.*
3. *Эмнатия ва перцептив қобилиятлар.*
4. *Дидактик ташиқлотчилик, конструктив, коммуникатив, билиш, англаш қобилиятлари.*

Педагогик қобилиятлар биринчи бўлиб XIX аср ўрталарида пайдо бўлди. Педагогика назариясида ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогик перцептив қобилиятга А.Дистерверг диққат-эътибор берди. Шундай қилиб Дистерверг педагогик қобилиятнинг кучига, педагогик тактга ва қатъий эркинликка аҳамият берди. Ўқувчининг билим орттиришлик қобилият тушунчасини берди. У ўқитувчининг билим орттиришлик қобилият тушунчасини илгари сурди. Сўнгра XIX асрнинг иккинчи ярмида И.Г.Редкин «ахлоқий қобилият» тушунчасини илгари сурди. Дистерберг Редкин фикрларини К.Д.Ушинский давом эттирди. У «Одамни тарбиялашнинг энг асосий йўли ишонтиришдир», одамни эътиқодига эса фақат ишонтириш билан таъсир қилиш мумкин» дейди.

Толстой «тарбия муваффақиятли бўлиши учун тарбияланувчи кишилар сира тўхтамай ўзларини тарбиялай билишлари керак» деган эди. А.С.Макаренко айтишича, тосадикий равишда ўқитувчи бўлиб қолган, лекин у бу ишга қизиқиб кетиб бадий адабиётни кўп ўқиган Горькийни ўзининг устози деб унинг асарларини ўқишга киришган. Макаренко ўз тажрибасига асосланиб ҳар бир киши кўп меҳнат қилса, у ўзига нисбатан талабчан бўлса у яхши педагог бўлиши мумкин дейди.

+обилият ҳамма инсонларда мавжуд бўлиб бир текисда бўлмай, бири юқори, бири ўртача бири қуйи даражадан иборатдир. Фақат ақли заиф инсонларда қобилиятни учрата олмаймиз. Мактаб ўқитувчисининг фаолияти инсон шаклини тиклантиришга қаратилган. Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат қилиб, катта натижага эришади. +обилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. +обилиятни ривожлантириш учун эса, лаёқат, зехн, истеъдод яъни инсон нерв тизимида анатомо-физиологик хусусият бўлиши ҳам зарур. Ўқитувчининг баъзи психик процесслари унда шахсга хос сифатларнинг шундай комплексини ташкил қиладики буни педагогик қобилият дейиш мумкин. Бу қобилиятларни айрим психик хусусиятлардан иборат қилиб қўйиш мумкин эмас. Таълим-тарбия ишини муваффақиятли амалга ошириш педагог шахсига хос бўлган бир қанча сифатлар, шу жумладан унинг иродаси, ҳиссиётлари, характерга хос бўлган бир қанча хусусиятларни ҳам таъминлаб берди. К.Д.Ушинский «Фақат шахсина, шахснинг ривожланишига ва таркиб топишига таъсир қилиши мумкин, фақат характер таъсири билан характерни вужудга келтиришсин» деб ёзади. +обилият шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг ишини муваффақиятли бажаришдаги субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психологик хусусиятдир.

Фалсафа тарихида қобилият узоқ давргача «ўзгармас ирсият» наслдан-наслга ўтувчи алоҳида куч сифатида талқин

этилган. Бундай қарашлар дастлаб инглиз философи Жон Локс ва француз материалистлари томонидан танқид қилинган. +обилиятни ривожтириш мумкин бўлган анатомик-физиологик хусусиятлар туғма бўлади. Эмнатия-бошқа одамларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилиш қобилиятидир (биргаликда дардлашмоқ). Перцептив идрок жараёнининг асосий тузилиши бирнчи бўлиб, бу идрок объектларини билиб олиш ва уни хотира образлари билан солиштиришдан иборат. Идрок этиш яъни боғчадаги боланинг олдига кубикларни қўйилган расмларни билан қўйиб чиқади. Одамларни солиштириш образи. Дидактик қобилият ўқувчилар билан мулоқот қилишда, педагогиканинг таълим қонуниятларини ҳамда методларини ўрганган ҳолда келишнинг таълим дарс олиш қобилиятларидир ва ибратли дарс бериш конструктив ўқитувчининг ўз ишини режалаштирира олишдир.

Коммуникатив қобилият бошқа одамлар билан бўладиган мулоқотни яхшилайдиган ва биргаликдаги фаолиятга психологик қовушувчанликни таъминлайдиган қобилиятдир. Ўқувчи билан ўзаро мулоқотда бўлиш, мисол: Фалон домла биз билан самимий муносабатда бўлади. Билиш қобилияти билимни эгаллаш ва уни ўзлаштиришни таъминлайди. Англаш (тушуниш) қобилияти айрим ҳаракатларни одам қилади, англамаган ҳаракат, одам онги ҳаракат қилади. Кўп сонли ўқитувчи, тарбиячи, мактаб директори, илмий мудир ва интернат ходимларидан қобилият ҳақида: «шахснинг қайси сифатларини сиз педагогик қобилият деб ҳисоблайсиз»-деб берилган саволга 82 та ёзма жавоб олинган сифатларни қуйидагича келтирамиз.

1. *Ўз ишига муҳаббат, болалар билан ишлашга қизиқиш.*
2. *юқори маданиятли катта аудиторияни ишлата олиш:*
3. *ўтилган дарсга қобилият, уни яхши билиш, қизиқиш:*
4. *меҳнатга қобилиятлилиқ, меҳнатсеварлик:*
5. *болалар жамоасиги киришиб кетиш қобилияти:*
6. *болаларга муҳаббат.*
7. *педогогик такт (гўзалликка) эга бўлиш.*
8. *меҳнатга ижодий ёндошиш.*
9. *ҳаракатчан (энергия)*
10. *ташкilotчилик қобилияти.*

11. *жавобгарликни ҳис қилиши.*
12. *тарбия билимларининг бутунлиги.*

**Мавзу:** *Ўқувчилар фаолиятида мулоқот маданияти ва психологияси. Мулоқотни ташкил этишида умуминсоний қобилиятларнинг устиворлиги.*

**Режа:**

1. *Педагогик мулоқот ва унинг ўзига хос хусусиятлари.*
2. *Педагогик мулоқотни ташкил этиши босқичлари ва усуллари.*
3. *Педагогик мулоқот жараёни бошқариши.*
4. *Мулоқат жараёнида ташаббусни бошқариши.*
5. *Х у л о с а.*

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Т.+урбонов «Одобнома»Ўқитувчи 1995- йил 43-59 бетлар.
2. «Одоб бўстони ва ақл гулистони.» Тошкент. Фан нашриёти 1994 йил 108-127 бетлар.
3. Абдулла Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» Тошкент Ўзбекистон нашриёти 1992 й.
4. Донишмандлар тарбия хусусида. Тошкент 1982
5. Р.Махмудов. Девонимниулусга марғубот. 1992 й. 15-17 бет.

Муомала ахборот жараёнидир. Педагогик бевосита шахсларга муомалада ўз тарбиялантирувчилари умуман жамоа ҳақида ундаги ички жараёнлар ҳақида ғоят хилма-хил ахборотга



эга бўлади. Педагог ҳам ўз навбатида муомала жараёнида ўз тарбияланувчиларга мақсадга қартилган ахборотни маълум қилади. Педагог муомала воситаси орқали қандай ахборот олишни қараб чиқар эканмиз, ўқувчиларнинг шахси ҳақидаги ахборотнинг муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Муомала шахсни ғоят хилма-хил шароит ва кўринишларда ўрганишга имкон беради. Педагог ўқувчилар билан муомала қилар экан, жуда майда қисмларни ҳам англаб олишга қодир бўлади. Булар сиртдан караганда унчалик аҳамиятли бўлмасда, шахсда содир бўлаётган уни тушуниш учун жуда муҳим бўлган зарур ички жараёндир. Кўринишларнинг аломатлари бўлишлари ҳам мумкин. Бунда педагог шахси катта роль ўйнайди. Ҳар хил ҳодисаларнинг турли кишилар томонидан талқини унинг шахснинг ўтмишдаги тажрибасига боғлиқлиги билан изоҳланади, бу тажрибанинг уч жиҳати бор: умуман, ҳаётий тажриба, педагогик ораология тажрибаси ва муайян жамоа билан, ўқувчилар жамоаси билан, ўқувчилар билан муомалада бўлиш тажрибаси, ниҳоят педагогнинг ўқувчилар билан кундалик муомаласи шунга олиб келадикки у ўқувчининг ҳатти-ҳаракатидаги чуқур маъно ва ҳақиқий сабабни турли вазиятларда пайқаб олади, бунинг учун намуна сифатида қаралиб бирлаштирувчи ўрнини тўлдирувчи вазифасини ҳам бажаради. Муомала ўзаро муносабатлар доирасида содир бўлади. Бошқариш воситаси бўлган муомала ўқувчиларнинг фаолиятига ҳамроҳлик қилади. Ниҳоят, бошқариш воситаси бўлган муомала фаолиятидан кейин боради. Муомала ахлоқ саналади. Ҳар бир кишининг қандай дунёқарашига эгаллиги, билимлилиги унинг муомаласида маълум бўлади. Муомала-инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситаларидир. Муомала асосий восита тил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тил алоқа қуроли ҳисобланади. Инсонинг тили ширин, муомаласи маданиятли бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрў-эътибор топади. Сўзга чечанлик, ҳеч қачон кишига обрў келтирмайди. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларимиз тилга, сўзга ҳурмат билан ёндашишларини уқтириб ўтганлар. Улуғ бобомиз А.Навоий муомала маданияти, хушмуомалалик, тилнинг аҳамияти тўғрисида, ширинсузлик ҳақида нурҳикмат фикрлар баён қилганки бугунги кунимиз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган эмас. «Тил ширинлиги кўнгилга ёқимлидир, мулойимлиги эса фойдали. Ширин сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир»,-дейди. А.Навоий. Педагог болаларга билим бериш учун бир қаторда улар нутқининг ривожланишига ҳам алоҳида аҳамият беради ва бунда у турли педагогик усуллардан фойдаланади. Болалар нутқини ўстиришда педагог сўзи муҳим аҳамиятга эга: бир томондан унинг нутқи болани ўқитиш ва тафаккурини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Бундай шундай хулоса келиб чиқадики, педагогнинг нутқи образли, чиройли, жарангдор, намунали бўлмоғи, бола диққатини ўзига

тортмоғи лозим. Зотан нутқ педагогнинг ўз мутахассислиги қай даражада лойиқ эканлигини ифодалайдиган ўлчов, кўрсаткич ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам нутқ устида ишлаш нутқ маданиятини такомиллаштириб бориш ҳар бир педагогнинг энг асосий ижтимоий бурчи ва масъулияти ҳисобланади. Таълим-тарбия ичида нутқнинг таъсир кучи ниҳоятда каттадир. Ўқитувчининг нутқи ўқувчининг ўзларини тута билишларига, хулқ-атвори ва фикр юритишларига ҳам таъсир этувчи кучли воситадир. Ўқитувчининг нутқида унинг ҳиссий интилишлари, ирода ва эътиқоди акс этади. У нутқ ёрдами билан ўқувчиларда хурсандчилик, руҳланиш, муҳаббат, садоқат, ғазабланиш, нафратланиш ҳисларини туғдиради. Халқ билан бирга туриш, бирга яшаш муошарт дейилади. Одамларнинг бир-бирлари билан бўлган муносабатларнинг гўзаллиги мулойимлиги «Муошарат одоби» дейилади. Инсоннинг энг улуғ, лекин мураккаб ва машаққатли фаолиятларидан бири одамлар яъни жамиятда ўз-ўзини топиб яшашидир. Бу фаолиятнинг мураккаблиги шундаки кўпчиликка кўшилиш улар билан алоҳида аҳил бўлиб яшаш учун инсонга шунга яраша муомала ва муносабат бўлиши керак. Муомаласи ширин кишилар дилдан ёқтиради ва ҳурмат эътибор улашади. Инсонлар орасида муносиб ўрин топиш, иноқ, иттифок яшаш шартларидан бири одамнинг камтарлигидир. Камтарин инсон ҳеч қачон ўзининг ютуғи билан бой-бадавлатлиги билан илм-хунар билан мақтанмайди, ҳамма вақт камгап, содда бўлади. Аммо инсондаги камтарлик самимий бўлмоғи зарур. Сўз инсон қалбини илитади. Сўз инсон қалбини жароҳатлайди. «Тиғ яраси кетар, сўз яраси кетмас» деган халқ мақоли бекорга айтилган эмас. Чунки сўзнинг қудрати бениҳоя катта. Инсон ўз сўзига, тилига ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоғи лозим. Айрим ёшларимизда сўзга, тилга эътибор анча суст. Эг аввало ёшларга муомала маданиятини катталар (орасида) олдида маҳмадоналик қилмасликни, катталар гапини бўлмасликни ёши улуғларга гап қайтармасликни ўргатишимиз зарур. Муомала маданияти ҳамма жойда керак. Иш жойда. Транспортда, уйда... шунинг учун ҳам биз ким билан қандай муомала қилишни билишимиз керак.

Инсоннинг қанчалик билимли ақл-заковатли эканлиги муомала орқали намоён бўлади. Одамлар бутун ички дунёсини, мақсадини, муомала муносабатларини бир-бирига сўз ёрдамида етказди, амалга оширади. Шу туфайли сўзлашув муносабатлари ниҳоятда гўзал ва мулойим бўлишни тақоза этади. Сўзга бой ширинсухан кишиларнинг муомаласи ёқимли, иши ҳам юришган бўлади. Бундайларни одамлар ёқтиради, ҳурмат қилади. Сўзлашув ҳам ўзига хос санъатдир. Бу санъатни мукамал ўрганиш ҳар бир инсонга зарур. Шу билан бирга она тилини мукамал ўрганмоқ ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Тилни билгач: уни ишлата билиш санъатини эгалламоқ инсон учун зарурдир. Ширин сўзлик

ва гўзал ҳеч қачон ҳеч қаерда сотилмайди. Бунга эришмоқликнинг биргина йўли бор, бу ҳам бўлса тинимсиз ширин сўзлашни машқ қилмоқдир. Бу эса асосан кўп китоб ўқиш йўли билан амалга оширилади. Муомала инсоннинг кимлигини кўрсатувчи юзадир.

***Мавзу: Педагогик маҳорат ҳақида тушунча,  
унинг ўқитувчи фаолиятида тутган ўрни ва  
аҳамияти.***

**Режа:**

1. *Педагогик маҳорат фанининг мақсад ва вазифалари.*
2. *Педагогик маҳорат фанининг таркибий қисмлари ва уларнинг моҳияти.*
3. *Ўқитувчи фаолиятининг асосий йўналишлари.*
4. *Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар.*

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Г.Султонова «Педагогик маҳорат» Низомий номли Тошкент .2001 йил. Умумий пед.кафедраси.
2. Ражабов С.Р. Педагогика фанининг аллломалари. Тош.Ўқитувчи нашр.1991 й.
3. Мария Савелевна, С.Х. Темурова.. В.Г. Шарова. Тош.Ўқит.нашр. Ўқитувчиликка ихтисослигига кириш курсига педодик кўрсатмалар.

Ўқув-тарбия ишлари жараёнида энг юксак натижаларга эришиб, фаолиятнинг юксак даражада баҳолашни ва ҳамма томондан тан олишни истамайдиган ўқитувчи топилмаса керак. Бунга эришишни ана шу хил орзунинг ушалишини педагогик маҳорат деймиз. Хуш, педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нимадан иборат? Унга қандай эришса бўлади? Ҳозирги замон педагогика ва психология соҳасидаги мактабларда «педагогик маҳорат» тушунчаси изоҳларга дуч келамиз. Бу тушунчанинг моҳиятини бир мунча тўлароқ аниқроқ таърифни «Педагогик энциклопедияда»да берилган дейиш мумкин. Бизнингча, бошқаларга нисбатан бу таъриф педагогик маҳорат мазмунини ва моҳиятини бир мунча тўғри ёритади.Тарбия ва ўқитиш юқори даражага эришиш ва уни доимо такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи санъат бўлиб, болага меҳр қўйган ва ўз касбини севган ҳар бир ўқитувчининг қиладиган иши. Ўз ишининг моҳир устаси бўлган педагог юксак даражада маданиятли, ўз фанини чўқур биладиган фанининг ёки санъатнинг тегишли соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш

услугиётини мукаммал эгаллаган мутахассисдир. Бу таърифни яхши тушуниб уни доимо маъно моҳиятини таҳлил этадиган бўлсак, ушбу таърифда педагогик маҳорат тушунчаси мазмунига кирадиган қуйидаги масалаларни ажратиш мумкин бўлади.

1. *Умумий маданиятнинг юқори даражаси ва балимдонлик ва ақл-заковатнинг юксак кўрсаткичи.*
2. *Ўзининг ўқитаётган фанига кенг ва чуқур билим соҳиби.*
3. *Педагогика, умумий ёш ва педагогик психология каби фанлар соҳасидаги билимлар билан кўролмаганлик, уларда ўқитиш ва тарбиялаш ишлари тажрибасида эркин ва усталлик билан фойдалана билиши.*
4. *Ўқув-тарбия ишлар методикасини мукаммал эгаллаганлик.*

Педагогнинг маҳоратнинг мазмунига қуйидаг ўзаро боғлиқ бўлган асосий қисмларни ажратиш мумкин.

1. *Педагогик инсонпарварлик йўналиши.*
2. *Ихтисос мутахассисликка доир билимлар.*
3. *Педагогик қобилият.*
4. *Педагогик техника. (кўникма, иқтидор).*

Ўқитувчилик дунёдаги энг муҳим қадимги касблардан биридир. Унинг ижтимоий аҳамияти ҳеч қачон камаймайди, ўқитувчилик касби бир қатор муҳим талабларга жавоб бериши керак.

Ҳозирги даврда, биз мустақил Ўзбекистонда кураётган демократик ҳуқуқий давлатда фаолият кўрсатаётган ўқитувчи қандай бўлиши керак: Ҳозирги замон ўқитувчисининг шахси учун энг муҳим асос бу инсонпарварлик йўналишидир. Ўқитувчи жуда юксак даражада умумий маданиятга эга одам. У жуда кўп нарсани билиши керак. Ҳозирги замонда ўзи ўқитаётган фан соҳасидаги ютуқлардан янгиликлардан хабардор бўлиш, ўз ўқувчиларини ҳар куни ўқишга ўргатиб бориши учун ўзи мунтазам ўқиб-ўрганиб, ўз билимини тўлдириб, чуқурлаштириб бориши керак.

Демак, ўқитувчи педагогик маҳоратнинг асоси ўз устида ишлаб бориши, мустақил ўқишидир.

Фан ва маданият ривожланиши таълим-тарбия ишларининг қай йўсинда олиб борилишидан келиб чиқади. Бу фалсафий ақида давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий қонуният ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин таълим-тарбия соҳасида, миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида, миллий урф-одатлар, турли туман анъаналарни жойига қўйиш, миллий кадриятларни янада ривожлантириш хусусида кескин ва буюк бурилишлар бўлгани барчага аёндыр. Давлатнинг буюк келажаги, албатта ёшларнинг чуқур билимли ва покиза ахлоқ-одоб қалб эканлигини ёддан чиқармаслик лозим. Бу катта муаммода маҳорат, билим, педагогларнинг ўрни муҳим ва педагогик маҳорат фанининг

роли улкан. «Педагогик маҳорат» фанининг предмети-педагогнинг маҳорати «Педагогик маҳорат» мақсади маҳоратли педагогни тарбиялаш.

Педагогик маҳорат фанининг вазифалари: тарбиянинг моҳиятини ва шахсини ҳар томонлама тараққий эттиришда тарбиянинг ролини очиб беради, тарбиянинг мақсади, мазмуни, усуллари, уни ташкил этишдаги шакллари ўртасида боғланишларни кўрсатади. Шунингдек педагогик маҳорат фани ўз тараққиёти давомида таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболлари йўлларини ёритиб беради, тарбиявий ишларнинг шакллари кўрсатади. Ўқитувчининг педагогик маҳорати шундай бир малакалар йиғиндиси дирки, у педагогга тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали ўз фикрларини етказиш имконини беради.

### ***Мавзу. Педагогик фикр ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати тушунчалар.***

Режа:

- 1. Энг қадимги даврлардан эрамининг VII асргача бўлган даврларда ўқитувчи педагог фаолияти борасидаги қарашлар.***

2. *Шарқ мутафаккирлари Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус ва бошқаларнинг ижодий меросларида мударрисларни танлаш , уларга қўйиладиган талаблар, уларнинг маҳорати, мулоқоти ва муомала маданияти муносабатга киришиш маҳорати, уларни эгаллашга қўйиладиган талаблар ҳақида илғор фикрлар.*
3. *Педагогик маҳоратнинг таълим-тарбия ривожига алоҳида ўрни борасидаги қарашлари.*
4. *Ҳозирги замон педагогикасидаги илмий педагогик технологиянинг моҳияти ва тизими ҳақида.*

Фойдаланилган дабиётлар:

1. Алишер Навоий «Махбуб ул қулуб » асарлари тўплами 15-том. 1966 й.
2. Амир Темур ўғитлари. Б. Аҳмедов. А.Амонов. Наврўз. 1999 й.
3. Раҳимов С. Турақулов Э. Абу Райҳон Беруний. Руҳият ва таълим-тарбия тўғрисида. Т.1922 йил.

Ўқитувчи касбининг нозиклиги, масъулиятлилиги ва мураккаблигига ҳамда шарафли эканлигига мулоҳазалар муаллимнинг маҳорати, уларга қўйиладиган талаблар, фазилатларга оид қарашлар муносабатга киришиш маҳорати муомала маданияти шарқ мутафаккирларининг асарларида ўз ифодасини топган. Шарқ маънавий-маданиятининг хилма-хил жиҳатлари айниқса Уйғониш даврида жуда равожланган бўлиб, бу даврда яшаб ижод этган Абу Наср Фаробий, Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Абдурахмон Жомий, Жалолiddин Девоний ва бошқа кўплаб мутафаккирларнинг ижоди педагогик тафаккур тараққиётида ёш мураббийларнинг маънавий-ахлоқий камолотида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шарқнинг буюк алломаси комусий олим Фаробий (873-950) муаллимнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ибратли ғояларни илгари сурди. Ўқитувчи-дейди Фаробий-ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиш ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларни тўла ва аниқ ифодадай олиш –билмоғи зарур. Шу билан бирга ўзининг орномусини қадрлаш, адолатли бўлиш лозим. У ўз асарида шундай дейди. «Ўқитувчи мунозараларни олиб бориши, рад этиб бўлмайдиган даражада исбот қилинишни билиш, ўз фикрини тўғрилигига ишониш. Нутқи эса мутлақо тоза, жумлалари мантиқли ифодаланиши лозим. Етук мутафаккир Абдурахмон Жомий ўз асарида бола дунёқарашини камол топишида мактаб муаллимининг ролига катта баҳо беради. Унинг фикрича, муаллим ақлли-

адолатли, ўзини барча юксак фазилатларини мужассамлаштирган бўлиш керак. Ўзини номуносиб тутган одам ҳеч вақт болаларга билим бера олмайди» деган фикрни билдирди. Устод, муаллимсиз қолганда замон нодонликдан қаро булурди жаҳон-деб хитоб қилади у «Искандар Хиродномаси» асарида.

А.Навоий ўқитувчилик қобилияти ва унинг обрўси, одоби юзасидан алфозли мулоҳазалар юритади. Аллома ижодий ёндашувсиз ҳеч бир фаолиятни тасаввур қила олмайди. Ана шу боисдан унинг асарларида одоб-ахлоқ, зийраклик, иродавий куч, поклик, самимийлик хислатлари асосий ўрин эгаллайди. Ўқитувчини ҳар жиҳатдан ибрат ва намуна бўлишлари таълим ва тарбия гарови эканлигига ишора қилган. Ўқитувчининг касб маҳоратини тарбиялашнинг маҳорати тўғрисидаги мулоҳазалар «+обуснома», «Хотамнома», «+утадғу билиг» каби буюк асарларида одоб, ахлоқ, зийраклик, иродвий куч, поклик, самимийлик ҳам баён этиб берилган. Чунки бу асарларнинг барчаси одобноманинг худди ўзгинаси бўлганлиги сабабли, тарбиячи мураббийнинг ўзига хос хислатларини шаклланиш босқичлари ифодалаб берилган. XVIII-XIX асрда давом этган Туркистонда жадидлар ҳаракатининг асосийларидан бири, маърифатпарвар ўқитувчи моҳир тадқиқотчи Абдулла Авлоний таълим тизими ўқитишни таокмиллаштириб, ўқитувчилар малакасини ошириш, бўлғуси ўқитувчини тайёрлаш муаллимларга мутлақо янгича ёндошган олимдир. Унинг фикрича ижодий изланиш ўқиш ва ўқитишнинг янги шакли услуб ҳамда воситаларини қидириш ўқитувчининг энг муҳим сифатларидан биридир деб таъкидлайди. Шундай қилиб Ўрта Осиё мутафаккирлари ва ўзбек маърифатпарварлари ўқитувчи кучли хотирага ва ирода ватафакурга ақл-заковатга, чиройли нутққа эга бўлиш, кўзланган мақсадни амалга ошириш йўлида жонбозлик, қатъийлик кўрсатиш, ўқувчиларнинг руҳий дунёсида тўғри йўл топа олиш, уларга таъсир ўтказиш имконияти виждонлилик, самимийлик, одобли, назокатли, ишчан, масъул шахс сифатида фаолият кўрсатиш зарур эканлигини ўз асарларида таъкидлаб ўтадилар.

Ўқитувчи ва унинг профессионал сифатлари тўғрисидаги муаммолар чет эллик олимлар Ж.Амон Коменский, Джон Локк, ИП Петолаци, А. Дистерверг кабиларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Я.А.Коменский ўқитувчининг энг муҳим хусусиятлари қаторига болани севиш юксак ахлоқий билимдонлиги, иқтидори, қобилияти кабиларни киритиб, уларнинг меҳнатини атрофлича тавсифлаб берди. Ушбу масалага сал бошқачароқ ёндошган И.Г.Пестолаци ўқитувчининг профессионал сифатларига баҳо беришдан четлаб-унинг халқ таълими тармоғини такомиллаштиришдан фан асосларини эгаллашдаги аҳамияти ва вазибаларида тўхталиб ўтади. А.Дистерверг ўқитувчининг таълимдаги ролига юқори баҳо бериб, у ўз фаолиятини билиш,

севиш, ўқувчиларни ёктириши деб уқтиради. Ўқитувчи болаларнинг индивидуал хусусиятлари, қобилияти, фаолияти, услуби тўғрисида муайян билимга эга бўлиши кераклигини ҳам таъкидлаб ўтди. Мутафаккир Джон Локк ўқитувчи психологиясини энг муҳим жиҳатлари орасига муътадиллик, ғайрат-шижоатлилик, эҳтиёткорлик каби хислатларни киритиб, уларни таълимдаги роли юзасидан мулоҳаза юритади. /арб мутафаккирлари ғояларининг ворислари сифатида А.И.Герцен, Л.Н.Толстой, Н.Г. Чернышевский, К.Д.Ушинский каби рус мутафаккирлари мазкур муаммоларга ўз муносабатларини билдирган. К.Д.Ушинский таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг роли ва шахсига юқори баҳо бериб, ҳеч бир устав ёки программа ҳамда сунъий организм пухта ишлаб чиқилмаганига қарамай инсон шахсининг ўрнини боса олмайди деб ҳисоблайди. Инсоннинг характери ва хис-туйғулари унинг ўқувчилар билан мулоқотга кириш усули, ўқитувчи қалби болаларга яқинлиги каби ахлоқий хислатлари шахсига энг муҳим фазилатлар бўлиб ҳисоблаб, муаллимнинг тарбиявий кучини белгилайди ва ижтимоий қимматига эга бўлган, баркамол бола шахсини таркиб топтиради. Ушинский таъкидлашича педагогик фаолиятнинг муҳим таркибий қисми педагогик психологик одоб (такт) ҳисобланади. Унинг фикрича психологик одоб (такт) ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ғоятда кенг қўлланилади. Шунинг учун усиз одамлар орасида ҳеч қандай мулоқот ва нутқ қобилиятининг ўзи ҳам бўлмаган бўлар эди дейди

3. Педагогик маҳоратнинг таълим-тарбия ривожига алоҳида ўрни борасидаги қарашлари таълим-тарбия методикасини эгаллаши ўз ишига ижодий ёндошиш пед-техника (мантик, нутқ) таълимнинг ифодали ва педагогик тактга эга бўлади. Ўз билим ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошиб бориши, ҳар бир ўқитувчи ана шу талабларга тўла жавоб бера олишга интилиши зарур ва шарт.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат қилиб катта натижаларга эришадилар. Ижодкорлик уни ҳамиша ҳамроҳи бўлади. Педагогик ишга қобилияти, истеъдодли кишиларнигина педагогик маҳоратга эга бўлиш мумкин. Педагогик фаолият ўз меҳнатига кўра ижодий характерга эга. Педагог ўқитувчи шахсни шакллантиради, кутилмаган вазиятда мустақил қарорлар қабул қилади, педагогик муаммоларни енгади, ўқув жараёнини мустақил бошқаради. Уларнинг ҳаммасида ижодкорлик туб моҳияти ишнинг мақсади ва характери билан боғлиқ. У ўқувчилар билан дарсда олиб бориладиган ишда тарбиявий масалага эришмоқ учун ўқитувчи улар билан ҳамкорлик қила олиш, болаларни ҳамкорлик жараёнига тортиш зарур. Бу улар фаолиятининг турли соҳаларида билимда, амалда, маънавий фаолиятида, спортда, ўйинда амалга оширилади. Ўқитувчи қандай



қилиб ўқувчиларни ўзи билан ҳамкорлик қилишга жалб эта олиш хусусидаги ишларни олиб боради.

***Мавзу: Коммуникатив таъсир кўрсатиш малакасини ривожлантириш.***

Режа:

- 1. Ўқитувчи шахсининг фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари.***
- 2. Педагогик қобилиятлар структурасига кирадиган ёрдамчи хислат ва хусусиятлар.***
- 3. Дилкашлик ва одамларга аралашмасликнинг шахсий хусусиятлари.***

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тарбиявий иш методикаси. Л.И.Рувинский таҳрири остида. Тошкент. 1991 йил.
2. Педагогик маҳорат Умумий педагогика кафедраси. Тош.2001 й. П.ф.н. Г.Султонова.
3. Педагогик маҳорат ва пед.технология. Умумий педагогика кафедраси. Н.Назирова проф. Тошкент 2004 й.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан унда педагогик қобилиятнинг мавжудлигига боғлиқ. Психологияда педагогик қобилиятлар деганда инсоннинг муайян психологик хусусиятларини тушуниш қабул қилинган. Бу хусусиятлар унинг ўқитувчи вазифасида болаларни ўқитиш ва таълим-тарбия беришда юксак натижаларни қўлга киритишнинг шarti ҳисобланади. Маълумки шахсининг қобилиятларини ҳосил

қилувчи жиҳатлар ва хусусиятлар улардан энг муҳими кузатувчанликдир етакчи роль ўйнайди, бошқалари ёрдамчи роль ўйнайди. Ўқитувчига ўқувчининг психологиясини унинг психик ҳолатини ўхшаш тарзда идрок этиш, муайян ҳолда умуман синф жамоасининг аҳволига тўғри баҳо бериш имконини беради. Ўқитувчи шахсининг ўзаро фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари таркибий қисмлари сифатида «электия» яъни ўқувчиларнинг ҳолатини тушунишга ва уларга ачинишга тайёргарликни ҳисоблаш мумкин. Бунинг зарур шarti болаларга бўлган муҳаббатдир. Ниҳоят ўқитувчи шахсининг ўзаро фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари таркибий қисми деб ижтимоий ўзаро ҳаракатда бўлган юксак ривожланган эҳтиёжни ҳисоблаш мумкин. У билимларни бошқариб боришга болалар билан муомалада жамоани ташкил этиш истагида намоён бўлади. Ўқитувчида ижтимоий ўзаро ҳаракатда бўлган унда мавжуд бўлган педагогик назокат майдонга чиқади. Энди педагогик қобилиятлар структурасига кирадиган ёрдамчи хислатлар ва хусусиятлардан айримларини кўриб чиқамиз. Бу аввало ақл-идрокнинг муайян хислатлари танқид кўзи билан қараш собитқадамлик, бошқа бир қатор хислатлардир. Ўқитувчининг нутқи нотиклик қобилиятининг мавжудлиги сўз бойлиги ва ҳаказолар муҳимдир. Табиатида артистлик хусусиятига эга бўлиш (хаёл, фантазия ишлата билиш ҳам ўқувчилар билан муомалада ) муайян роль ўйнайди. Тажриба ва махсус тадқиқотлар бунинг батамом ҳақиқий нарса эканлигини кўрсатмоқда. Масалан шахс перцептив хусусиятларининг энг муҳим хусусиятлари бўлган кузатувчанлик ўқитувчининг педагогик тажриба ҳосил қилиш жараёнида ҳам унинг махсус куч-ғайрати натижасида ҳам ривожланади, такомиллашади. Ўқитувчи ўзининг ижтимоий-психологик кузатувчанлигини яъни ўқувчиларда турли характер хусусиятлари майлларини пайқаб олиш қобилиятларинигина эмас, шу билан бирга уларнинг пайдо бўлиш вазиятига мувофиқ баҳо бериш маҳоратини ривожлантиришга қодирдир. Ўқитувчи ўз ўқувчиларининг муҳитдаги ўзаро муносабатларини улар билан ўзаро муносабатларни ҳозирги дақиқада қандай бўлмасин, худди шундай идрок этиш маҳоратини доимо такомиллаштириб бориш зарур. Бу эса осонгина қўлга киритилмайди. Педагогнинг идрок этиши ҳар қандай кузатувчининг идрок этишига ўхшайди. Чунки педагог ҳаминиша ўқувчиларга нисбатан ташқи вазиятда туради, маълум даражада улардан, улар фаолиятидан (унинг ташкилотчиси бўлса ҳам узоқлашмаган бўлади) Шу сабабли педагог ўзи кўраётган нарсаларга, ўзининг ижтимоий жараёнида ривожланишда идрок қилган норматив мулоҳазаларини онгли ва онгсиз равишда келиш мумкинки, педагог чун янги бўлган ходисалар, унинг ўзида мавжуд бўлган нормалар а тасаввурлар асосида анъанавий тарзда талқин этилиши мумкин. Бундан ташқари педагогнинг муайян масалага жавоб излашига интилиш унда

аҳамиятли бирор фактни ўтказиб юбормаслик учун қулай йўналиш ҳосил бўлади. Агар ўқитувчи болаларнинг ҳатти-ҳаракатларини фақат тўғри идрок этиб баҳо берса, уларни вужудга келтирган сабабларни чуқур кўра олсагина шу билан бирга ўзида сабот ўзини тута билиш, сабр-тоқат, сезгирлик каби феъл-атвор хусусиятларини ривожлантира олсагина юқоридаги вазифаларга эришиш мумкин бўлади. Ўқитувчи ўз ўқувчиларини уларнинг феъл-атворлари, тенгдошлари ва катталар билан муносабатларини турли воқеаларга ва муаммоларга муносабатларини билиб боришга интилиш муҳимдир. Ўқитувчи болаларни қанчалик билиб олса, унда болалар билан муносабатда хушмуомалада бўлиш имкониятлари шу қдар кўпроқ бўлади. Лекин ўқитувчи ўз ўқувчилари билан яқинроқ бўлишга ҳаракат қилар экан, баъзан тегишли дақиқаларда ўзи эшитмаслиги лозим бўлган нарсаларни эшитмасдан ўтиб кетиши лозим. Бунга сабаб-эшитиш одобсизлик бўлишлигига ёки вазият ноаниқ бўлиб турганда эшитиш дарҳол аниқлик киритиш лозимлигини ёки зарурлигини тақазо қилишдир. Ўқувчилар билан ўз муомаласини бақириқ ва майда-чуйда нарсаларга аразлашига айлантириб юбормаслик учун кундалик ишларда ниманидир сезмай қолишни ўргатиш муҳимдир. Ниҳоят баъзан бирор нарсани тушунмай қолиш ҳам фойдали бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўқувчининг ўқувчилар билан бўладиган кичик тушунмовчиликларига ёрдам беради, унда ўқувчилар билан бўладиган келишмовчиликларга тегишли даражада одоб билан аралашувга ёрдам беради. В.А.Сухомлинский таъкидлаб ўтганидек «Педагог болаларни айниқса катта ёшдаги ўқувчилар ўртасидаги зиддиятларга жуда эҳтиёткорлик билан аралашуви лозим. У шунингдек зиддиятларнинг шундай соҳаси борки, унда педагог аралашуви ниҳоятда чекланган бўлишлиги келишмовчиликлар ва зиддиятлар ҳам жамоада муҳокама қилиш объекти бўлмаслиги мумкин ва лозим деб ҳисобланган эди.

## ***Мавзу: Шахсий педагогик тажрибани тўплаш тизими.***

Режа:

- 1. Педагогик маълумотларни ажратиш кўникмаси ва уларни тўғри танлай билиш.***
- 2. Илғор педагогик тажрибани ўрганишга оид маълумотларни тўплаш.***
- 3. Педагогик маҳоратни такомиллаштиришда педагогик ижодкорлик.***
- 4. Ўзининг педагогик фаолиятига тўғри баҳо бера олиш.***

Педагогик фаолият ўз маҳоратига кўра ижодий характерга эга. Маълумки шахс олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади. Ўқитувчилик фаолияти ана шундай хусусиятга эга. Педагогик ижодкорликнинг асосий моҳияти педагогик фаолиятнинг мақсади ва характери билан боғлиқ. Педагогик фаолият киши шахсини, унинг дунёқараши, эътиқоди, онги, хулқ-атворини шакллантиришдек умумий мақсадга буйсунган сон-саноксиз педагогик масалаларни ечиш жараёнидир.

Педагогик ижодкорлик манбаи-бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба муаммоли вазиятларга бойдир.

Илғор педагогик тажриба деганда биз ўқитувчининг ўз педагогик вазифасига ижодий ёндошишини, ўқувчиларнинг таълим-тарбиясида янги, самарли йўл ва воситаларни қидириб топишни тушунамиз.

Илғор-педагогик тажриба ўқитувчи томонидан қўлланиладиган шу шакли ва усуллари. Услуб ва воситаларидир.

Илғор педагогик тажрибани ўрганиш, унга асосланиб янги педагогик ҳодиса ва қонуниятларни очиш ўқув-тарбия жараёнига яхши сифатли ўзгаришлар киритади. Ўқувчиларнинг билим фаолиятини бошқариш, янги кўринишдаги ўқув жараёнини моделлштириш муаммоларини ечишга сабаб бўлади. Ижодий ишлайдиган ўқитувчи фақатгина болаларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбиялаш, илғор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан, тадқиқотчилик, кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиши зарур.

Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фанининг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиш, фан ютуқларини ўқувчиларга етказа олиш ва

ниҳоят ўқувчиларни ҳам ижодий фикрлашга тадқиқот ишларига ўргата олишни талаб қилади.

Шунинг учун ўқитувчи аввало тадқиқотчилик малакаларини эгаллаши зарур. Ўқитувчи илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш давомида олимларни тўплайди, таҳлил қилади, улар асосида хулосалар чиқаради.

Педагогик тажриба ўқитувчининг ўқув ишлари жараёнида эгаллайдиган билим ва кўникмалари йиғиндисидир. Бу ўқитувчининг педагогик маҳорати бўлиб, у педагогика фанининг ривожланишида бошланғич омил ҳисобланади. Педагогик тажриба тўплаш тизими.

1. *Мақсадни белгилаш.*
2. *Таҳлил этиши, умумлаштириши, хулоса қилиши.*
3. *Ютуқларни аниқлаш.*
4. *Маълумот тўплаш.*

Мактаб ўқувчиларини илғор тажрибаларини ўрганишнинг тахминий таркиби.

#### 1. Нутқ техникаси ва маданияти.

а) Дарсда билим юеришда ўқувчилар билан алоқага киришишда ўқитувчи нутқининг ишлатилишини баҳолаш:

б) Нутқ техникасини эгаллаганлик даражаси.

в) Ўқитувчи нутқининг ифодаланганлиги.

#### 2. Профессионал педагогик мулоқоти.

а) *турли ҳолатларда турли ва қўтилмаган вазиятларда ҳам мулоқотга кириша олиши, муомала қила олиши:*

б) *дарс жараёнида ўз кучи ва тайёргарлигини ҳисобга ола билиши ўзининг иш услубини ва унга қўйилган талабларни бажара олиши:*

в) *педагогик назокат ва уни қўллашни била олиши:*

#### 3. Профессионал-педагогик таъсир этиши:

а) *шахсга таъсир этишда тезлик билан керак бўлган танлай олиши ва ўз вақтида ишлата билиши:*

б) *ўрганиш бўлиб қолган иш тартибидан кетишни билиш.*

в) *педагогик таъсир кўрсатишда вазиятларни ечишда керакли бўлган мимика, понтомима ва ҳаракатларни танлай олиш ва ўз вақтида ишлата олиш.*

#### 4. Конструктив қобилият:

а) *ўқувчилар қобилиятини, қизиқишини, билим даражасини ҳисобга олиш, дидактик материалдан усталик билан фойдаланиш:*

б) *ўқувчиларни ва синфни энг юқори мукамал даражага эришиши учун керакли усул ва воситаларни танлай олиши:*

в) ўқувчиларни ва коллективнинг билимлиги ва тарбиявийлигини ривожланганлик даражасини аниқлай олиш:

г) ўқувчиларнинг ташқи қиёфаси орқали уларнинг дарсга бўлган муносабатларини англай олиши ва керакли бўлган воситаларни танлай олиши ишлатилади.

### **Илғор педагогик маҳорат саҳобалари.**

**Ш.А.Амонашвилининг педагогик методикасининг** мазмуни.

У ўқувчиларни фикрлашга ўргатади. Унинг ўқувчилар ўртоқларининг ишларини текшириб баҳолайдилар. Бир-бирларининг ёзма ишларини тақриз қилишади.

**С.Н.Лиссиковнинг педагогик методикаси** мазмуни. У дарсда кўргазмалилик, чизма моделлар ёрдамида дарс бериш ўқувчиларни фаоллаштиради ва мустақил фикрлашга ўргатади. Ўтилаётган мавзунини шарҳлаб бошқарув дарсиди ҳаракатлантирувчи асосий кучдир,-дейди. Шарҳлаб берувчи учта ҳаракатни ўзида мужассамлаштиради.

1. **фикрлаш.**

2. **сўзлаш.**

3. **ёзиш.**

**И.В.Волковнинг педагогик методикасининг** мазмуни. У мактабда болалар учун «ижод хонаси» ташкил этиб, ўқувчилар билан ишлашда турли хил йўналишдаги ишларни танлаб, ҳар бир ўқувчини хилма-хил фаолиятида ўз қизиқишига кўра кучини синаб кўриш, уларнинг ижодкорлик сифатларини намоён қилишга эришди.

**Н.Н.Палтишевнинг педагогикасининг** мазмуни. У синф ўқувчиларини қаторларга бўлиб ўқитишнинг ташаббускори.

1-қатор - **аълочилар,**

2-қатор - **ўрта меъёр.**

3-қатор - **ёмон ўзлаштирувчилар.**

Бу методда кейинги икки қаторнинг ўқувчилари ўз жойларини ўзгартириш учун худди биринчи қатордагилар каби ўқишга мажбурдирлар.

**Очилхон Шарофутдинов педагогик методикасининг** мазмуни. Унинг методи:

1. **дарсга пухта тайёрланиш.**

2. **Ўтилган темани тўғри режалаштириш.**

3. **Ўқувчиларда активлик.**

4. **Кўрсатмали қуролдан фойдаланиш.**

**Мавзу: Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш.**

**Мақсад:** Ўқитувчининг педагогик меҳнати маданияти мавзусини мукаммал даражада тушунчалар ҳосил қилиш. Талабаларда мавзуга оид билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш.

**Ўқитувчи мақсади:**

Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларни етказиш.

**Ўқувчи мақсади ва вазифалари:**

Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, малака, кўникмалар.

**Ташкилий мақсад:**

Ўқитувчининг педагогик меҳнати маданияти ва унинг моҳиятини англаб етиш.

**Тарбиявий мақсад:**

Талабаларда мавзу билан ишлаш жараёнида тиришқоқлик билан бошлаган ишини охирига етказиш керакли хислатларини шакллантириш ижодиётни ривожлантириш.

**Амалий тушунчалар:**

Амалий малака, кўникмаларни шакллантириш

**Машғулот жиҳозлари:**

Дарслик, мавзуга оид таблица ва тестлар.

**Мавзуга оид таянч тушунчалари:**

«Педагогик маданият» ва «Педагогик меҳнат маданияти» тушунчалари. Ўқитувчининг педагогик меҳнати, маданияти, ўқитувчи шахсининг хусусиятларидан бири сифатида. Ўқитувчининг ички ва ташқи маданиятининг бир-бирига боғлиқлиги. Ўқитувчининг ташқи қиёфаси, педагогик муомаласи, ўз-ўзини бошқара олиши ва нутқ маданияти. Ўқитувчининг касбий хулқ -атвори.

**Дарсинг бориши:**

1. ташкилий қисм.
2. давомат.

**II. Такрорлаш вауйга вазифани текшириш (5 мин).**

**III. Янги мавзуга замин (5 мин).**

**Мавзунинг баёни:**

**П е д а г о г и н г м е ҳ н а т и** –бу беҳад изланиш ва азоб-укубатдаги кечинмалар, илҳом ва бетакрор турланиш они. Кўпдан-кўп кундалик ишлар, ҳафсаласи пир бўлиш ва болалар билан биргаликда бошдан кечирган қувончдан қаноат ҳосил қилишдир.

**М у о м а л а** –ахборот жараёнидир. Педагог ўқувчиларга бевосита мулоқот ўз тарбияланувчилари умуман жамоа ҳақида, жамоанинг ички жараёнлари ҳақида ғоят хилма-хил ахборотларга эга бўлади.

Педагогнинг ўқувчилар билан кундалик масаласи шунга олиб келадики, у ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатидаги чуқур маъно ва ҳақиқий сабабни турли вазиятларда пайқаб олади. Бунинг учун намуна сифатида тез-тез қайд қилинган далиллардан ва ўқувчиларнинг хулқ-атвор усулларидан фойдаланади.

Муомала ўзаро муносабатлар доирасида содир бўлади. Бошқариш воситаси бўлган муомала фаолиятдан олдин содир бўлади ҳамда ўқувчиларнинг фаолиятига ҳамкорлик қилади. Муомала ахлоқ кўрки саналади. Ҳар бир кишининг қандай дунёқарашга эга эканлигига, билимлилигига эътибор муомаласидан маълум бўлади. Муомала инсонларнинг ўртасидаги алоҳида алоқа воситасидир. Муомалада асосий восита тил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тил алоқа қуролидир. Инсоннинг тили ширин муомала маданияти бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрў-эътибор топади. Ўқувчилар билан муомала қилиш ўз тарбияланувчилари билан мулоқот олиб бориш маҳоратини тақозо этади. Ўқувчи учун асосан сўзлашиш билан бир қаторда мулоқот олиб боришни самарали йўлларида фойдаланиши у дарс ўтиш жараёнида суҳбат, савол-жавоб, ҳикоя қилиш ва маъруза каби усуллардан бутун таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билан мулоқотни йўлга қўйишда фойдаланиш мумкин.

### ***Нутқ маданияти.***

Нутқ маданияти жуда катта ва кенг соҳа бўлиб, у боланинг кундаик оддий салом-алигидан тортиб, кимга нимани, қачон, қаерда ва қандай сўзлашишигача бўлган арча нутқий жараёнларни ўз ичига олади.

Нутқ маданияти фақат нутқни эгаллаш йўллари эмас, балки ундан фойдаланиш маданиятини ҳам тарбиялайди. Нутқ маданияти ўқитувчиларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларида тўғри, раво ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, тил сезгиларини тарбиялашга хизмат қилмоғи лозим.

### ***Изоҳ:***

Дарс якунида ўқувчилар ўтилган мавзуларни қай даражада ўзлаштирганликларини билиш учун баҳолайди ва жорий этилган рейтинг балларини эълон қилади.

### ***Уйга вазифа берилади.***

### ***Мавзу: Ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнидаги маҳорати.***

Режа:

1. Ўқитувчининг дарс жараёнидаги меҳнати ва уни ташкил этишнинг асосий йўналишлари.



2. Ўқувчиларнинг билимларини англаш фаолиятини бошқаришда ўқитувчининг маҳорати.
3. Ўқитувчининг ижодкорлиги.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Л.И.Ружинский. тарбиявий ишлар методикаси.
2. Мустақил Ўзбекистон тараққиёт йўлида. Тошкент 1994 й.
3. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисидаги қонун» Маърифат рўзномаси. 27.07.1992 й.
4. И./айбуллаев Р.Ёдгоров. Р. Маматқулова , +.Тошмуродова. Педагогика китоби. Ўқитувчи нашриёти. 2000 й.

Ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан муайян ҳолда турсагина педагогик таъсир кўрсатишнинг муваффақиятли амалга оширилади. Мазкур ҳолат ўқувчилар билан муомала соҳасида ўқитувчининг асосий йўл-йўриғидан иборат бўлиб у ўқувчиларнинг психологик ёш хусусиятларига мана шу бўлади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳар бирини билиш ва уларнинг психик хусусиятларини мукамал ўрганиш ва ўқиш фаолияти жараёнига жалб этиш маҳоратига эга бўлиш зарур. Ўқитувчи ўқувчиларнинг дарсни тўлиқ, аниқ ва туунарли ўзлаштириб олишларига имкон бериш ва уларни дарсга қизиқтира олиш, дарсдаги фаолликларини ошириш кўникма ва малакалар ҳосил қилишга эришиш зарур. Ўқитувчи дарс жараёнида кўтаринки руҳда яхши кайфиятда ўқувчиларга муносабатда бўлиш ўқувчиларнинг кайфиятини кўтариш учун уларни рағбатлантириб бориш зарур.

Ўқитувчи педагогик тажрибаларга таянган ҳолда ўқувчилар жамоасига таъсир этиш ва уларни бошқариш, жипслаштириш ва ҳар бир боланинг ички оламига кира олиш ва таъсир этиш зарур. Ўқитувчи маҳоратининг асосий мазмуни билимлари пухта эгаллаганлиги ва бу билимларга асосланган малакалардир.

Ўқитувчининг муҳим малакаларига қуйидагилар киради. Ўқувчилар дунёсида содир бўлаётган фаолиятларида ўзини тутиш, кўникма ва малакалари, мақсад ва воситалар, натижа бир-бирига мувофиқлигини анализ қилиш малакаси, ўзининг ҳис-туйғуларини фикрлаш, сўз орқали, имо-ишоралар орқали, ҳаракатлар орқали аниқ қилиб етказиш малакаси. Педагог болаларнинг дилига тил топишда уларга таъсир этиш учун турли воситалардан фойдаланиш ва ижтимоий ечимларни қидириб топиш лозим. Дарс жараёнида тарбияси қийин болалар ҳам учрайди. Улар билан индивидуал ҳолда ёндошиш керак. Тарбияси қийин болаларни тарбиялаш бу энг оғир ишдир. Бунинг учун алоҳида диққат-эътибор, сабр-тоқат, маҳорат, педагогик такт, илиқ муносабатлар, меҳрибончилик керак. Ўқитувчи таълим жараёнини илмий-назарий ва амалий асосланган ҳолда услубий йўналишларни тўғри танлаш ўқувчиларга етказиб

бериш зарур. Ўқитувчи таълим жараёни фақат билим бериш билан чегараланмайди.

Педагог ёш авлодни халқимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашдек муҳим фахрли ва шу билан бирга масъулиятли вазифани бажаради. Педагог болаларни яъни келажак яратувчиларни халқ ва жамият олдидаги, тарбиялаш учун таълим-тарбия ишни, вазифаларини ҳал этишга ижодий ёндошиш, ўз маҳоратини доим такомиллаштириш зарурдир. Ўқитувчи аввало ўзи яшаб турган ўлка ҳаётини билиши, табиат ва жамиятнинг ривожланиши қонуниятларини тушуниши ижтимоий фаол бўлиши керак. Доимо билимни ошириб борадиган киши ўқитувчидир. Болани тарбиялаш тарбиячининг ўз-ўзини такомиллаширишдан бошқа нарса эмас. Ҳар бир одам ва ҳар бир элнинг саодатли бўлиши учун бош сабаб илмдир. Болаларни илмли, одобли қилиб ўстириш ота-онанинг бурчидир.

Эстетик тарбия асосида ўқувчиларнинг гўзалликни ҳис қилиш қобилиятларини тарбиялашда ўқитувчи турли хил тарбиявий соатлар ўтказишлари масалан: кийиниш эстетикаси-дид билан кийиниш, овқатланиш эстетикаси. Бадиий тарбия-яъни санъат воситалари (адабиёт, санъат, музыка, ашула, ва бошқа санъатларга) болаларнинг қизиқишини уйғотиш ва тарбия бериб бориш зарур. Педагогик ташкилотчилик ўқитувчининг энг асосий ва ўз фаолиятини бошқаришга зарур қобилиятларидан биридир. Ўқувчиларга тўғри талаб қўя билиш қобилиятига эгаллиги. Масалан: ўйин фаолиятида меҳнат фаолиятида ўқувчиларнинг фаоллигини шакллантира билиш ташаббускорлигини ошириш жамоани бошқара олиш оммавий ишларнинг барча шаклларида ўқувчилар орасида олиб бориш. Масалан, сиёсий ахборотлар бериш этик суҳбатлар, мунозаралар синф йиғилишлари, конференциялар, ўқувчиларга турли топшириқлар бериш.

Ота-оналар билан олиб бориладиган индивидуал ишлар ва ҳаказо.

Ота-оналар комитетлари ишларини бошқариш оила билан ҳамкорликда бўлиш. Синф олиб бориладиган бирга кундалик ва тарбиявий ишлар. Ўқитувчи жамоасининг активлари билан иш олиб бориш ўқувчилар билан тарбиявий вазифаларни ҳам таълим тарбияни турли хил метод ва усулларида самарали фойдаланиш, тарбиявий тадбирларни ўтказишда педагогик тажрибага эгаллиги. Тарбиявий тадбирлар мавзуларини тўғри танлаш, ўқувчиларни жалб эта билиш тадбирлар ишланмасини тайёрлаш хонанинг тозаллиги, ўқувчиларнинг тўлиқ қатнашчилари ва тайёргарлиги ташкилий қисм, асосий қисм ва яқуннинг тўғри бажарилиши. Ўқувчилар қизиқишини, диққатини ошириш ва тарбиявий тадбирга жалб этиш. Конспектни тўғри ёзишича, мавзуни аниқ белгилашига эътиборнинг қаратилиши. Кўрғазмалар тайёрлаши видео

лавҳаларга оид экскурсияларга, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни олиб бориш маҳоратига эгадир.

Ўқитувчи ўқувчилар жамоаси орасида ижобий психологик муҳитни ҳосил қилиш услубларига эга бўлиш. Ўқувчилар жамоаси билан киришиб кетиш, болалар билан ишлаш мазмунини етарлича эгаллаганлиги. Таълим-тарбиявий ишларнинг яхши методларини танлай олиш моҳир педагог ўқувчи шахсининг ижобий хусусиятларини шакллантира олиш.

### ***Мавзу: Нутқ тажрибаси.***

Режа:

- 1. Педагог нутқининг такомилланганлик даражаси.***
- 2. Нутқ техникасини такомиллаштиришда физиологик функцияларнинг аҳамияти: нафас олиш, диофрагмал нафас олиш, оддий нафас олиш, товуш.***
- 3. Педагог нутқида товушнинг роли.***
- 4. Дикция, ритмика, тембр.***

### ***Таянч тушунчалар:***

Тон, тиниқ овоз, оҳанг.

Тембр-товушнинг ўзига хос сифати.

Фанацион-мутаассиблик берилган.

Диофрагма-анатомия, кўкрак қафаси, қулоқ бўшлиғидан ажратиб турадиган парда, девор.

### ***Фойдаланилган адабиётлар.***

1. Тарбиявий иш методикаси. Л.В.Рувинский таҳрири остида. Т. 1991 й.
2. Ю.Ш.Азаров. Тарбиялаш маҳорати. Тошкент.1991.
3. Б.И.Головин. Основы культуры речи. М.1992 й.

Ўқувчиларни янги материални тушуниб ва ўзлаштириб олишлари учун ўқитувчи нутқининг такомиллашганлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Болалар педагогнинг нутқий маълумотларига сезгир бўладилар. Бирор бир товушлар ёки сўзларни нотўғри талаффуз қилиниши болаларда кулгуни чақиради, монотон нутқ зериктиради, ноаниқ интонация эса яхши ўзаро яқин суҳбат уюштирилганда баланд тон болаларда ишончсизликни келтириб чиқаради. Айримларнинг ҳисоблашича одамнинг тони-тембри фақатгина табиатдандир.

Аммо ҳозирги давр экспериментал физиология товушнинг сифатини негиздан бошлаб яхшилаш мумкинлигини исботлади. Масалан, демофон, жисмоний камчиликлари устида ишлаб, қадимий Грецияни буюк сиёсий авторига айланди.

Шунингдек 20 ёшлик Маяковский ҳам сўзга чиқиш учун тайёргарлик кўрганда Волга дарёсининг соҳилида оғзини майда тошларга тўлдириб машқ қилган, ҳозирги кунда нутқ техникаси бўйича машқлар системаси ишлаб чиқилган. Бу иш асосан санъат педагогикасига таянади.

**Нафас олиш.** Нафас олиш физиологик функцияларни бажаради, организмнинг яшашани таъминлаб беради. Шунингдек нутқнинг энергетик базаси мавжуд, яъни нафас олишдир. Нутқий нафас олиш фоницион (грект-ри рило товуш) деб аталади. Маиший ҳаётда нутқимиз асосан диологик бўлганлиги сабабли нафас олиш қийинчилик туғдиради. Аммо дикция жараёнида ўрганмаган одам учун нафас олиш қийинчиликларни туғдиради. Галья тезланади, юзи қизаради. Нафас олиш жараёнида мускуллар иштирок қилишига қараб 4 хил турга ажратилади.

#### ***Юзаки нафас олиш.***

Кўкрак –афасининг юқори қисмини ва елкаларни кўтариб, туширадиган мускуллар иштирокида амалга оширилади. Кўкрак қафаси билан нафас олиш қовурғалар орасидаги мускуллар орқали амалга оширилади.

#### ***Диофрагмали нафас олиш.***

+овурғалар орасидаги диофрагмани қисқартириш натижасида кўкрак қафасининг ҳажмини ўзгартириш орқали амалга оширилади. Диофрагмал-қовурғали нафас олиш, диофрагмал қисқариш ва қовурғалар орасидаги нафас олиш мускуллари ҳамда қорин мускулларининг қисқариши орқали амалга оширилади. Бу энг тўғри нафас олиш деб юритилади.

**Оддий физиологик нафас** олиш бир темпда бўлиб, нафас олиш, нафас чиқариш юзасидан иборат. Нутқ учун эса ҳаво кўп миқдорда зарур бўлиб экологик тежамлаб фойдаланиб, ўз вақтида

янгилаш керак. Нутқий нафас олишдан узокроқ бўлади. Нафас олишда қисқа нафас олишдан сўнг қорин прессини мустаҳкамлаб олиш учун пауза сўнгра нафас чиқарилади.

### ***Товуш.***

Айрим ўқитувчиларда товуш табиатан берилади аммо бу жуда ҳам кўп учрайди. Ҳамда яхши товуш махсус машқларсиз йиллар ўтган сари бузилади, ўзгаради. Аммо ҳар бири ҳам кучли очилувчан товушга эга. Товуш аппарати уч бўлимдан иборат: генератор, энергетик, резенатор. Товуш ҳосил бўлиши.

1. Товушг ҳосил бўлиш товуш кучи билан боғлиқ (нутқ аппаратининг органлари билан боғлиқ).

Педагог нутқи педагогик маҳорат шартларидан биридир. Педагогика тарихида турли маҳоратли ўқитувчилар бўлиб ўтган. Булардан А.С.Макаренко, Юсуф Хос Ҳожиб, А.П. Кунишин ва бошқалар. Ўқитувчилар ўз касбини турли усулда юритиши мумкин, аммо ҳозирги даврда ўқитувчи тонида гапирмоқнинг, ўқитувчи товушининг темир ноталарининг ва бошқа тушунчалар тарқалмоқда.

Улар нима билан, нима орқали пайдо бўлган? бўлажак педагог юқоридаги хатоларни қилмаслиги учун нимани билиши керак.

Ўқитувчи нутқи ва коммуникатив хулқи. Ўқитувчи нутқи ўқувчининг таълим-тарбия талабларини бажариши керак. Ўқитувчи ўз нутқининг мазмунига ва таъсир этишига жавоб бериши керак. Педагогик нутқ қуйидагиларни таъминлаб бериши керак.

а) педагог ва ўқувчилар орасида ўзаро таъсир этиш ва мулоқотнинг натижалари:

б) фаолият мотивлари, тушунчалар тўғрилигини шакллантириш мақсадида ўқитувчи болаларнинг тафаккурига, ҳис-туйғуларига ижобий таъсир этиши керак.

в) тарбия бериш жараёнида билимларни тўлиқ тушуниш ва мустаҳкамлашни ўзлаштириб олиш.

г) ўқувчилар амалий ва ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш:

Педагогик нутқ шакллари ва коммуникатив сифатлари. Ўқитувчининг оғзаки нутқи диалогик ва монологик нутқ бўлади. Шунингдек ўқитувчининг нутқи тўғрилигига ва тозалигига аҳамият бериш зарур. Шунингдек терминларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш керак. Уларни алмаштирмаслик керак. Ўқитувчи нутқи моделини тузмоқчи бўлсангиз шу мақсад бўйича олимларнинг ишларини ўрганиб чиқиш мумкин. Ўқитувчилик ритми, тезлиги, интонация ҳар бир ўқувчилар учун ўзгача бўлиши мумкин.

### ***Педагогик нутқнинг функцияси.***

Ўқитувчи нутқининг сифатига қуйиладиган талаблар педагогик функциялари билан белгиланади. Асосий функциялардан бири бу билимларни тўлиқ узатишни таъминлаб бериш. Янги билим беришда ўқитувчи ўз нутқи орқали фақат янги билим бериб қолмасдан, балки ҳис-туйғулари ҳамтаъсир этиш керак.

Педагог ўз нутқи орқали мавзуни эшитилишини таъминлаб бериши керак. Нутқ муносабатларини яхшилаш ва ўрнатиш воситаси сифатида буюк педагог Макаренко тажрибасини мисол келтириш мумкин. Ўқувчилар билан ўзаро муносабатлар қуйидаги план асосида ўрнатилган. Мумкин қадар кўп одамга талаблар қўйиш керак ва мумкин қадар кўп унга ҳурмат бўлиши керак; буюк педагог вазиятга қараб шаклдор, хурсанд, хушчақчақ, хомуш, қаттиққўл, обрўли, юмшоқ бўлиши мумкин эди.

### **Ўқитувчи нутқининг хусусиятлари.**

Ўқитувчи нутқининг ўзига хослиги-ўқувчиларга йўналганлиги билан белгиланади.

**Мавзу:** *Ўқитувчининг бадиий сўз санъати.*

Режа:

1. *Бадиий сўз санъати ва унинг ижтимоий ўрни тўғрисида.*
2. *Нутқ техникаси тўғрисида.*
3. *Ўқитувчи нутқининг хусусиятлари тўғрисида.*

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. С.Иномхўжаев. бадиий ўқиш асослари. Тошкент.1973 й.
2. С.Иномхўжаев., Л.Хўжаева Бадиий сўз санъати. Тошкент.1972 й.
3. С.Иномхўжаев. Ифодали ўқишнинг назарий асослари. Тош.1972 й.
4. Ш.Азаров. тарбиялаш маҳорати. Тошкент. 1991 й.
5. Н.Головин. Основы культуры речи. Москва.1992 йил.

### ***Бадиий сўз санъати ва унинг ижтимоий ўрни тўғрисида.***

Сўзнинг бойлиги ниҳоятда кенг туғма таландир. Ўз фикрини баён этишда бадиий тасвир воситаларидан ўринли фойдаланилган, сўзларнинг муқобилларидан кенг ишлатиладиган ўз фикрини ифодалашда шеърлар, ғазаллардан фойдаланиб гапириш қобилиятига эга бўлган ўқитувчилардир. Маталлар, мақоллар ўрнини фойдаланадиган ўқитувчининг сўз санъатига эга бўлган.

Сўз санъатининг жарангли ҳамла юмшоқлиги, силлиқлиги хусусийлиги-товуш аппаратининг чарчаши, товушда бўлган бузилишлар орқали юзага келади. Чунки педагог 50% иш вақтида оддий сўзлашишдан юқорироқ, баландроқ тонда гапиради. Шунинг учун жадвални тузишда ўқитувчи 3-4 соат ичида чарчаб 1 соат

ичида товушни тиклаб олишни ҳисобга олиши керак. Катта стажли ўқитувчи учун товуш икки соат ичида чарчайди ва икки соат ичида тикланади. Шунингдек, қўйидаги маслаҳатлар берилади. Монотон нутқ-товуш аппаратини чарчатади. Чангдан ўзини эҳтиётлаш зарур, совуқ ҳавода (маърузадан сўнг) тез юрмаслик тез оғизни ёпиб бурун билан нафас олишга ҳаракат қилиш. Дикция сўзларнинг товушларнинг ва бўғинларнинг аниқ, равон талаффуз этилишидир. Нутқдаги камчиликлар органик ва неограник бўлиши мумкин.

Дикцияни такомиллаштиришни артикуляция билан боғлиқ ички нутқ органининг ҳаракати билан боғлиқ, нутқдаги камчиликларни тўғрилаш учун ифодали ўқиш бўйича вузлар учун қўлланмалар фойдаланиш мумкин.

Ритмика нутқининг тезлиги, ўқитувчининг идеал хусусиятлари билан маърузанинг мазмуни билан боғлиқ бўлади. Ўрта ҳисобда бир мунча 120 сўз бўлиши мумкин. Мавзунинг мураккаб қисмини ўқитувчи секинроқ ифода этади. +олганини эса тезроқ маъруза ифодали бўлиш учун логик ва психологик паузалардан маҳорат билан фойдаланиш зарур, логик паузалар саводхонликни билдиради. Психологик паузалар ёрдамида маъруза жонли ўтади. Пауза темп ва нутқнинг бирлашгани интонацияни келтириб чиқаради.

Интонация овознинг баланд-пастлиги. Термин (маълум тушунча аниқ айтиладиган).

Педагогика тарихида турли маҳоратли ўқитувчилар бўлиб ўтган. Булардан А.С.Макаренко, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқалар. Ўқитувчилар ўз касбини турли усулда юритишлари мумкин, аммо ҳозирги даврда «Ўқитувчи тонида гапирмоқ ўқитувчи товушнинг темир ноталари тарқалмоқда. Улар нима билан? Нима орқали пайдо бўлган?. Бўлажак педагог юқоридаги ҳолатларни қилмаслик учун нимани билиш керак? Ўқитувчининг нутқи ўқувчиларнинг таълим-тарбия талабларини бажариши керак. Ўқитувчи ўз нутқининг мазмунига таъсир этишга жавоб бериш керак. Педагогик нутқ қўйидагиларни таъминлаб бериши мумкин.

а) педагог ва ўқувчилар ўзаро таъсир этиш ва мулоқотнинг натижалчилиги.

б) фаолият мотивларининг тушунчаларини тўғрилаш ва шакллантириш мақсадида ўқитувчи болаларнинг тафаккурига, ҳис-туйғуларига ижобий таъсир этиши керак.

Нутқ инсон ҳаётида жуда муқим роль ўйнайди. Чунки биз жамиятда яшар эканмиз шу жамиятда ўз мақсадларимизни амалга оширишда оилада, мактабда ва ундан кейинги муассасаларда ўз нутқимиз орқали мулоқотда бўламиз. Нутқни амалга оширишда нафас олиш деофрагматик нафас олиш, тил, товушнинг роли, ритмика, тембр каби тонлар ҳисобга олинади. Тон типик овоз, оҳанг.

Тембр товушни ўзига хос сифати Диафрагма-анатомия кўкрак кафасининг кулоқ бўшлиғидан ажратиб турадиган парда, девор. Нутқни амалга ошириш, яъни мулоқотда бўлиш учун аввало инсонда онгнинг мукамаллиги . Психик жиҳатдан соғлом ҳамда тилида нуқсоннинг баландлиги тиниқлиги, равонлиги ҳамда ёқимлилиги ҳам муҳим роль ўйнайди.

Тилда яъни сўзда дикция паразит сўзларнинг иложи борича ишлатмаслиги бу сизнинг мулоқотингизга салбий таъсир этади.

а) таълим бериш жараёнида билимларни тўлиқ тушуниш ва мустаҳкамлашни ўзлаштириб олиш.

б) ўқувчиларни амалий ва ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш.

Ўқувчи нутқи қуйидаги талаблар, педагогик функциялар билан белгиланади. Асосий функциялардан бири бу билимларни тўлиқ ўзлаштиришни таъминлаб бериш. Чунки педагог ўз нутқи орқали мавзунини эшитишни таъминлаб бериши керак. Янги билим беришда ўқитувчи ўз нутқи орқали фақатгина янги билимларни бериб қолмасдан балки ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларига ҳам таъсир этиши керак. Бошқа функциялардан бири бу ўқувчиларни ўқув фаолиятининг самарадорлигини таъминлаб бериш.

Чунки педагог ўз нутқи орқали мавзунини эшитишни таъминлаб бериши керак. Кейинги функция ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги ўзаро муносабатнинг самарадорлигини таъминлаб бериш. Нутқ муносабатларини таъминлаш тўғрисида буюк педагог А.С.Макаренко тажрибасини мисол қилиш мумкин.

У ўқувчилар билан муносабатини қуйидаги принциплар асосида ўрнатган. «Мумкин қадар кўп одамга талаблар қўйиш керак ва мумкин қадар унга ҳурмат бўлиш керак. Буюк педагог вазиятга қараб жаҳлдор, қувноқ, хурсанд, хушчақчақ, хомуш, каттиққўл, обрўли, юмшоқ бўлиши мумкин эди. Ўқитувчи нутқининг ўзига хослиги ўқувчиларга йўналганлиги билан белгиланади. Кузатувчан ўқитувчи мавзунини тушунтиришда ўқувчиларга қандай қилиб таъсир этишни ҳисобга олган ҳолда иш юритади. Айрим ўқитувчиларда товуш табиатан берилади, аммо бу жуда кам учрайди. Яхши товуш махсус машқларсиз йиллар ўтган сари бузилади, ўзгаради. Аммо ҳар бири кучли очилувчан товушга эга. Товуш аппарати уч бўлимдан генератор. Энергетик, резенатор.

1. Товуш ҳосил бўлиши товуш кучи билан боғлиқ. (нутқ аппарати органлари билан боғлиқ).
2. Товуш жарангдорлиги учун полисти бўлиши керак.(товушни турли масофага юбориб баланд-пастлигини ўзгартириш).
3. Товушнинг ўзгарувчанлиги, эгилувчанлиги ва ҳаракатчанлиги товушни ўзгартира олиш, товушнинг балнд-пастлиги (М.Галкин).



4. Диапазон товушнинг ҳажми чегараси энг баланд ва энг паст тон билан белгиланади.
5. Тембр товушнинг ёрқинлиги.

**Мавзу: Педагогик техника ва ўқитувчининг маҳорати.**

**Мақсад:** Педагогик техника ва ўқитувчининг маҳорати ҳақидаги тушунчани ёритиш, талабаларда технологиялар билан ишлашда мустақилликни, ижодиётни, ўз устида ишлаш каби хислатларни шакллантириш.

**Ўқитувчи мақсади:**

Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларни етказиш.

**Ўқувчи мақсади ва вазифалари:**

Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, малака кўникмалар.

**Ташкилий мақсад:**

Педагогик маҳорат ва ўқитувчи маҳорати моҳиятини англаб етиш.

**Тарбиявий мақсад:**

Талабаларда мавзу билан ишлаш жараёнида тиришқоқлик билан бошлаган ишни охирига етказиш, керакли хислатларни шакллантириш ва ижодиётни ривожлантириш.

**Амалий тушунчалар:**

Амалий билим, малака ва кўникмалар.

**Машғулот жиҳозлари:**

Дарслик, мавзуга оид таблица ва тестлар.

**Мавзунинг таянч тушунчалари:**

Педагогик муомала жараёни ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Педагогик муомалада ўқитувчи шахси ва аудитория мулоқотида техник воситалар ва фаол методларнинг роли янги педагогик технологияга кўра ўқитувчи муомаласининг тезлиги, хилма-хиллиги ва мақсадлилиги.

**4. Дарснинг бориши.**

- а) ташкилий қисм
- б) давомат
- в) турли масалалар.

**II. Такрорлаш ва уйга вазифани текшириш (5 мин.)**

**IV. Янги мавзуга замин.**

**Янги мавзунинг баёни.**

Педагогик техникани эгаллашнинг асосий йўллари ўқитувчи раҳбарлигидаги машғулотлар ва мустақил ишлардир. Педагогик техника малакаларини индивидуал шахсий тусда эканлигини ҳисобга олиб, педагогик техникани эгаллашда ва уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш яъни талабанинг ўзида моҳир ўқитувчи шахсий фазилатларини ва касбий малакаларини шаклланишига қаратилган фаолият етакчи роль ўйнайди. Педагогик техника малакаларни шаклланишида группавий иш олиб бориш алоҳида роль ўйнайди.

Педагогик техника малакаларни шаклланишда группавий иш олиб бориш алоҳида роль ўйнайди.

#### ***Педагогик техникани шакллантириш усуллари.***

Педагогик техника малакаларини шакллантиришда группавий иш олиб бориш алоҳида роль ўйнайди. Худди шундай ишда педагог олдида ўзини бошқа кишилар кўзи билан кўриш, хулқ-атвор ва муомаланинг янги шакллари излаш ва синаб кўриш ўзини одамлар билан барча қиладиган иши хусусиятларини англаш ва касб фаолиятининг индивидуал услубини онгли равишда шакллантириш имконияти пайдо бўлади. Группа шахсининг ўз-ўзини билиш ва ўз –ўзини тарбиялаш лабораторияси, педагогик вазифаларни ҳил қилишнинг янги усуллари текшириб кўрилган, назарий масалалар муҳокама қиладиган тажриба майдони бўлиб қолиши мумкин.

#### ***Педагогик техника ва маҳоратни такомиллаштириш йўллари.***

Педагогик техникани эгаллашнинг асосий йўллари ўқитувчи раҳбарлигидаги машғулотлар ва мустақил ишлашдир. Педагогик техника малакаларини индивидуал шахсий тусда эканлигини ҳисобга олиб, педагогик техникани эгаллашда ва уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш, яъни талабанинг ўзида моҳир ўқитувчи шахсий фазилатларни ва касбий малакани шакллантиришга қаратилган фаолият етакчи роль ўйнайди. Касбий идеал сари бу ҳаракатда ҳам педагогик техникани эгаллаш муҳим роль ўйнайди.

#### ***Нутқ техникаси ва маданияти.***

- а) дарсда билим беришда ўқувчилар билан алоқага киришишда ўқитувчи нутқининг ишлатилишини баҳолаш.
- б) нутқ техникасини эгаллаганлик даражаси.
- в) ўқитувчи нутқининг ифодалилиги ва ҳис-туйғуга бойлиги.

***Изоҳ:*** Дарс якунида ўқувчилар ўтилган мавзуларни қай даражада ўзлаштирганини билиш учун баҳолайди ва жорий этилган рейтинг балларини эълон қилади.

***Янги мавзунини текшириш учун тест саволлари:***

***Уйга вазифа.***

**Мавзу: Педагогик техника ҳақида тушунча, педагогик техникани шакллантириш усуллари.**

Режа:

1. **Педагогик техниканинг тузилиши.**
2. **Педагогик маҳорат ва техника.**
3. **Педагогик техникани қандай эгаллаш керак.**

Адабиётлар:

1. Л.И.Рувинский «тарбиявий иш методикаси»  
Т.1991 й.
2. Халқ таълими ойномаси.
3. С.Иномхўжаев. Саҳна нутқи. 1991 й.

Мутлақо тўғри бўлган педагогик тадбирни ёки системани ўрнатиш мумкин эмас. Ҳозирги дақиқа ҳозирги босқич шароитлари ва талабларидан келиб чиқмайдиган ҳар қандай қотиб қолган қоида ҳар доим нотўғри қоида бўлади, деб ёзган эди А.С.Макаренко А.М.Горькийга йўллаган мактубида.

Педагогик санъат вазият билан боғлиқ. Бу ерда ҳамма вақт ҳар гал ҳамма нарса янгидан содир бўлгандай туюлади.

Бинобарин киши ўзининг ҳар бир қадамини олдиндан кўриши, режалаштириши амалда мумкин бўлмайди. Педагогнинг меҳнати бу беҳад изланиш ва азоб-уқубатли кечинмалар, илҳом ва бетакрор турланиш они, кўпдан-кўп кундалик ишлар, ҳафсаласи пир бўлиши ва болалар билан биргаликда бошдан кечирилган кувончдан қаноат ҳосил қилишдир.

**Педагогик санъат**-бу қандайдир қўл билан тутиб бўлмайдиган, фақат фаросат билан амалга ошириладиган нарсадир, деган таассуротлар туғилади. Ҳар қандай ижодкорлик, бунинг устига педагогик ижодкорлик куруқ жойда, фақат ҳиссий реакциялар асосида бошланиши мумкин эмас. Тарбия санъатида ўзининг педагогик техникаси, ўзининг «бир қолипдаги» меҳнат маданияти борки, уларни билиб олиш зарур. Педагогик кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг бутун системаси ана шу билиб олишга қаратилиши лозим. Бироқ ҳали ҳеч бир олий ўқув юртида ўқиб ёки ўқитувчилар малакасини ошириш курсини тамомлагандан кейин уста педагог бўлиб қолмаган. Педагог меҳнат усталари мактабда вужудга келади, болалар билан муомалада тарбияланади.

Хўш педагогик маҳорат нима ва у нималардан ташкил топади?

Бу фаҳм-фаросат ва билимларнинг чинакам илмий ва тарбиядаги қийинчиликларни енгишга қодир бўлган нуфузли раҳбарликнинг, болалар қалбининг қандайлигини ҳис қилиш маҳорати, ички дунёси нозик ва заиф бўлган бола шахсига

моҳирлик билан авайлаб ёндошиш, донолик ва ижодий далиллик, илмий таҳлил, хаёл ва фантазияга бўлган қобилият мужассамдир. **Педагогик маҳорат**га педагогик билимлар, фаҳм-фаросат билан бир қаторда педагогик техника соҳасидаги малакалар ҳам кирадики, улар тарбияга озроқ куч сарфлаб кўпроқ натижаларга эришиш имконини беради.

**Педагогик маҳорат** назарияси ва методикасининг ишлаб чиқилмаган эканлиги шунга олиб келдики, педагогларнинг ҳар бири ўзича пайпаслаб ижодий изланиш олиб боради, айтиб бериш хил саволлари: болалар билан педагоглар коллективи билан қандай қилиб тил топиш мумкин? +андай қилиб қисқа муддат ичида болалар ўртасидаги муносабатларнинг ҳаққоний манзарасига эришмоқ керак?

Болаларни педагогик талабларни бажаришга қандай қилиб мажбур этиш керак. +андай қилиб яхши педагогик руҳиятни сақлаб қолиш ва ўз куч-қувватини оқилона сарфлаш мумкин? деган саволларни муттасил такрорлайди ва ҳаказо.

Бу саволларга бериладиган жавоблар ҳар бир моҳир педагогнинг ишида зарур бўлган умумий педагогик малакаларни шакллантириш билан боғлиқ бўлиб мазкур масалаларни ҳал қилиш педагогдан одатдан ташқари куч-ғайратни, қатъиятни, тиришқоқликни, тадқиқотлар олиб боришга интилишни, янги вазиятга, янги коллективга кириш қобилиятини, самимиятни, тўғрилиқ ва ҳалолликни текшириб кўриш масаласини ўз топилмаларининг қимматини аниқлаш қобилиятини талаб қилади.

Педагогик фан билан тарбия санъатнинг узвий алоқадорлиги зарурки, у юксак касб маҳоратини таъминлайди. Лекин айрим педагогик ҳақиқатларни эслаб қолишнинг ўзи етарли эмас, уларни ижодий мушоҳада қилиш, амалда тадбиқ эта билиш зарур.

А.С.Макаренко айтиб ўтганидек педагогика энг диалектик, ҳаракатчан мураккаб ва хилма-хил фандир. Тарбия назариясида тайёр андозалар йўқ. Педагогика ҳаётининг барча ҳодисалари учун тайёр ечимларни таклиф қилмайди, деган қоида сийқаси чиққан қоида бўлиб қолди.

Биз педагогик ҳодисанинг энг умумий, энг муҳим, яъни доимо такрорланиб турадиган томонлари билан иш кўрган жойимизда аниқ тавсия бўлиши мумкин. Одамлар билан иш кўрган жойимизда, чамаси қатъий белгиланган тавсиялар «андазалар» бўлмаслиги ҳам мумкин.

Биз илмий педагогика нуқтаи назаридан мутлақо аниқ ва қатъий айта оламизки, ўз-ўзини бошқариш, ўйин, ижтимоий таъсир кўрсатиш, ижодий меҳнат ва ҳаказолар воситаларсиз ота-она ҳам педагог ҳам иш олиб бора олмайди. Лекин уларнинг ҳар бирини алоҳида ҳолда қўлланиши болаларнинг турли тоифалари ўртсида турлича бўлиши мумкин.

Педагогик фаолиятда воситалар, мақсадлар ва натижаларнинг нисбатини доимо таҳлил қилиб ташкил этади, бир-бирига боғлиқ бўлади ва алоҳида тарзда амалга оширилмайди. Мақсадни амалга ошириш усули-бўлажак натижадир. Натижа янги воситаларни танлаш, янги мақсадларни кўйиш учун амалий асос ҳисобланади.

Тажрибада маълум даражада қўлланилган ҳар қандай восита натижа беради, ҳатто бирор сабабга кўра ифодаланмаган бўлса ҳам натижа бераверади. Лекин мақсади аниқ ифодаланган педагогик воситагина самаралидир. Тажрибада мавжуд бўлган ҳаддан ташқари кўп педагогик воситаларни санаб чиқиш бизнинг вазифасизга кирмайди. Шу муносабат билан фақат иккита мулоҳаза билан кифояланамиз.

**Биринчи мулоҳаза:** ҳар қандай педагогик восита ҳамиша бир қатор бошқа воситалар, усуллар, шартлар билан боғлиқ бўлади.

Улар педагогик жараённинг муайян босқичида таъсир кўрсатиш натижасини белгилаб беради.

**Иккинчи мулоҳаза:** айрим воситаларни қўллаш педагогни улар таъсирини, мумкин бўлган ўзгаришни англаш қобилиятларига бутунлай боғлиқ бўлади.

Ҳозирча биз кўпроқ мавхум категориялардан фойдаланамиз. Амалий фаолиятда эса воситалар, мақсадлар ва натижалар диалектикаси, овозлар шовқини, ғоят турли-туман жхтиёжлар ва даволарнинг авж олиши билан тўла бўладики, бу барча жонли манзара доимо бир кишининг педагог тарбиячининг диққат марказида бўлиши лозим. Хуш, унинг маҳорати нималарда айтиш мумкин. Ташкилий методик жиҳатдан педагогик техника машғулотлари индивидуал группавий ёки кетма-кетликда ўтказилиши мумкин.

Масалан, зарур билимлар лекцияларда ёки тегишли адабиётни мустақил ўқишда эгалланиши мумкин. Автоматлаштиришга доир айрим оддий ҳаракатлар кетма-кет кўрсатилиши мумкин. Тегишли кўникмаларни ишлаб чиқиш индивидуал ишлашни дастлаб ўқитувчининг назорати ва раҳбарлигида, кейин эса мустақил ишлашни талаб қилади.

Педагогик техника малакаларини шакллантиришда группавий иш олиб бориш алоҳида роль ўйнайди. Педагогик техника машғулотларининг бу шаклини анча батафсилроқ очиб бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки у ҳозирга қадар ўқитувчилар учун мўлжалланган ўқув ва методик адабиётда лозим даражада кўрсатиб берилмаган. Худди шундай ишда педагог олдида ўзини бошқа кишилар кўзи билан кўриш, хулқ-атвор ифодаланиши мумкин?

Аввало шошилини таҳлил қилишда ва тезда ишга киришишда ифодаланиши мумкин. Агар бу шошилини таҳлил ноаниқ бўлса, воситалар ҳам албатта нотўғри танланади. Унда олинган натижани

Ўзгартириш учун янги воситани излаш талаб қилинади. В.А.Сухомлинский ёзувчи Г.Мединскийга ёзган хатларидан бирида бундай деб ёзган эди: «мен инсонга қатъий талабчан бўлиш, такомиллаштириш, ўз-ўзини такомиллаштиришнинг қатъий қоидалари тарафдориман. Талабчанлик сахийликнинг, инсонпарварликнинг иккинчи томонидир». Педагогик техникани эгаллашнинг асосий йўллари ўқитувчи раҳбарлигидаги машғулотлар ва мустақил ишлашдир. Педагогик техника малакаларининг индивидуал шахсий тусда эканлигини ҳисобга олиб, педагогик техникани эгаллашда ва уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялашга қаратилган фаолият етакчи роль ўйнайди деб ва муомаланинг янги шакллари излаш ва синиш, ўзининг одамлар билан барча қиладиган иши хусусиятларини англаш ва касбий фаолиятининг индивидуал услубларини онгли равишда шакллантириш имконияти пайдо бўлади.

Группа шахсининг ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини тарбиялаш лабораторияси, педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг янги усуллари текширилиб кўриладиган, назарий масалалар муҳокама қилинадиган тажриба майдони бўлиб қолиши мумкин.

Индивидуал ҳам гуруҳий машғулотлар бошланишидан олдин педагогик техникани эгаллашнинг индивидуал дастури тузиб чиқилиши лозим. Бундай дастурни тузиш учун аввало педагогик техника малакалари шаклланишининг бошланғич даражасини аниқлаб олиш зарур.

Тажрибанинг кўрсатилишича одатда, мазкур босқичда фақат малакаар ҳақидагина эмас, шу билан бирга дастлаб автоматлаштирилган кўникмалар ҳақида ҳам гап бориши мумкин эмас.